


Қ. ҲОЖИМАТОВ

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ВИТАМИНЛИ ЎСИМЛИКЛАРИ

Ю 6483  
0923



ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1973

633.8  
X 59

Рисолада республикамиз флорасида ёввойи ҳолда кенг тарқалган ҳамда сансаят аҳамиятига эга бўлган баъзи бир витаминли ўсимликларнинг ўсиш шароити, фойдали хусусиятлари ҳамда ишлатилиши ҳақида сўз боради.

Асар кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

**М а с ъ у л м у ҳ а р р и р**

биология фанлари доктори,

профессор **С. ЧЕВРЕНИДИ**

**МУНДАРИЖА**

Муқаддима	3
Табиий витаминли ўсимликлар ва уларнинг ишлатилиши	6

*На узбекском языке*

**Каххор Ходжиматов**

**ВИТАМИНОНОСНЫЕ РАСТЕНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА**

*ЎзССР ФА илиий-оммабол китоблар таҳрир ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган*

X  $\frac{2105 - 086}{355(06) - 73}$  128 — 73

Муҳаррир *Л. Эркинова*  
Техмуҳаррир *В. Тарахович*  
Корректор *М. Содиқова*

Р-08372. Термишга берилди 29/V-73 й. Босишга рухсат этилди 26/VI-73 й. Формат 84×108<sup>1/16</sup>. Босмаҳона қоғози № 1. Қоғоз л. 1,0. Босма л. 3,36. Ҳисоб-нашриёт 3,3. Нашриёт № 545. Тиражи 3000. Баҳоси 13 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент, Черданцев кўчаси, 21. Заказ 132. Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

## МУҚАДДИМА

Инсон ҳамда ҳайвонларнинг яшаши учун сув, ҳаво, озиқ-овқат, карбон сувлар, оқсиллар, ферментлар, ҳар хил тузлар билан бир қаторда витаминлар ҳам жуда зарурдир.

Витаминлар организмда модда алмашинувини бошқаришда, истеъмол қилинган овқатларни тез ҳазм бўлишида ва танага сингдиришда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, организмни турли юқумли касалликлардан сақлаш, яраларни даъволаш, жисмоний жиҳатдан чиниқишда уларнинг роли каттадир.

Инсон организмда витаминлар етишмаса, цинга, пеллагра, бери-бери, қон увимаслик, шапкўр, рахит ва бошқа турли хасталиклар содир бўладики, уларни бир ном билан «авитаминоз» касаллиги дейилади.

А витамини (провитамин каротин) ёш организмнинг ўсишини таъминлаш билан бир қаторда, уни ҳар хил касалликлардан ҳимоя қилади. У кўриш қобилиятини яхшилаб, терини ташқи таъсиротга чидамли бўлишини таъминлайди. А витамини ҳайвонлардан яхши зот олишда аҳамиятлидир.

В, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР ва бошқа витаминлар нерв системаларининг ишини нормаллаштиришда, юрак, жигар фаолиятини яхшилашда, кўриш қобилиятини ҳамда ошқозон-ичак функцияларини тартибга солишда жуда аҳамиятли ҳисобланади.

Одам организмда С витамини етишмаса, карбон сувларнинг парчаланиши ва ҳазм қилиниши ёмонлашади, унда цинга касаллиги бошланади. Д витамини (провитаминлар — стернлар)нинг кальций ва фосфорли тузлар алмашувида роли беқиёсдир. У болаларни рахит касалидан сақлайди.

Е витамини организмнинг ёғ алмашинувида, мускулларнинг ва эндокрин безларининг ишлашини нормаллаштиришда, қонни кўпайтиришда аҳамияти каттадир.

К витамини қонни қуюқлашиши ҳамда қотишига таъсир қилади. Р витамини майда қон томирчаларининг деворларини мустаҳкамлайди ва қалқонсимон безларнинг фаолиятини яхшилайди.

Витаминлар ўсимликларда модда алмашуви вақтида ҳосил бўлган ортиқча маҳсулотлар бўлмасдан, балки физиологик актив моддалардир. Улар ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш процессида катта аҳамият касб этадилар. Агар ўсимликларни витаминларга эҳтиёжи сезилиб қолгудек бўлса, уларни витаминлар билан озиқлантирилса, яхши ўсиб ривожланади, ҳосилдорлиги ошади ҳамда мевалари тез пишади. Ўсимликларга витаминлар ортиқча берилса, уларни ривожланиши тезлашиши баъзан сусайиши мумкин.

Витаминлар ўсимликларда оз ёки кўп миқдорда шакланган ҳолда ёки провитаминлар (яъни маълум шароитда витаминларга айланиш хусусиятига эга) шаклида бўлади. Кўпчилик витаминлар латин ҳарфлари билан белгиланади. Улар ўсимликларнинг поя, барг, гул, мева, уруғ, илдиз, илдизпоя, пиёзи ҳамда туганакларида у ёки бу миқдорда тўпланади.

Витаминларнинг миқдори, ташқи шароитга, ўсимликларнинг ёшига, ривожланиш даврларига, ўсиш ҳамда тарқалишига боғлиқдир.

Ўзбекистон флорасида учрайдиган витаминларга бой баъзи бир ўсимликлар Европа мамлакатларида, жумладан Болгария ва Чехословакияда ҳам кенг тарқалгандир. Шунинг учун биз ушбу рисолаи ёзишда ўсимликларни Ўзбекистон, Болгария ва Чехословакия халқ табобатида ва илмий медицинасида қўллашни бир-бирига таққослаб ўтишни манзур кўрдик.

## ТАБИИЯ ВИТАМИНЛИ УСИМЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

**Чойут (Хиперикум перфоратум)<sup>1</sup>.** Чойўтдошлар оиласига кирувчи, бўйи 75 см гача бўлган кўп йиллик ўсимликлардан ҳисобланади, Унинг пояси силлиқ, туксиз бўлиб, юқори қисми шохлангандир. Барги тухумсимон, тўпгуллари чўткасимон шаклда бўлади. У адир зонасидан бошлаб, тоғнинг ўрта минтақасигача бўлган жойларда турли шароитларга мослашган ҳолда учрайди. (1-расм)

Чойўт май — август ойларида гуллайди, июль — сентябрда эса уруғи етишади. Чойўтнинг шифобахшлиги жуда қадимдан маълум. Шу сабабли халқимиз «Чойўт 99 дарднинг давоси» деб бежиз айтмаган.

Ҳақиқатан ҳам чойўт фойдали бўлиб, ота-боболаримиз унинг танасидан халқ медицинасида ошқозон, ичак, жигар, йўтал, зотилжам касалликларини даволашда фойдаланганлар. Ҳозирги кунда бу ўтдан озиқ-овқат сановатида, консервалар тайёрлашда, ликер, вино, ароқ ишлаб чиқаришда фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Чойўтнинг барги, новда ва тўпгуллари айниқса, гуллаш даврида дори-дармонлик хусусиятига эгадир. Илмий медицинада чойўтдан тайёрланган шарбат ва препарат ёрдамида ошқозон-ичак йўлларида шамоллаш натижасида пайдо бўлган касалликлар, оғиз ва тиш милкларидаги дардлар даволанади<sup>2</sup>.

Чойўтдан антибактериал хусусиятга эга бўлган иманин ҳамда оқсилли препарат гиптальбин тайёрланган.

<sup>1</sup> М. Набиев, Ботаника атлас луғати. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1969, (Бу китобдан ўсимликларнинг маҳаллий номларини аниқлашда фойдаланилди).

<sup>2</sup> С. Сахабиддинов, Дикорастущие лекарственные растения Средней Азии, Ташкент, Госиздат УзССР, 1948, стр. 132.

У шикастланган тўқимани тиклайди. Баъзи маълумотларга қараганда чойўтдан олинган шарбат вена қон томирига юборилса, у юрак ҳаракатини ва қон босимини яхшилайти, иштаҳани очади, ошқозон-ичак фаолиятини тартибга солади.



1-расм. Чойут.

Болгар халқ медицинасида чойўтдан ошқозон шира нордонлигини пасайтиришда, бўғин ревматизминини, медицинада эса геморрое, жигар, буйрак касалликларини даволашда фойдаланилади<sup>3</sup>.

Бу ўсимлик ёрдамида Чехословакияда ҳам нафас олиш ва ошқозон-ичак йўлларида учрайдиган ҳар хил касалликларни даволашда фойдаланилди, шунингдек, флористен деган дори ишлаб чиқарилди<sup>4</sup>.

Чойўтнинг бундай шифобахш бўлишига сабаб, унинг таркиби турли кимёвий моддаларга бой бўлишидир. Унинг таркибида 13% танид, 14% гача смола, 12% гача шакар моддалари, 0,2—0,5% эфир мойи, гипрозид-глюкозид, флаван гиперин, гиперидин, псевдогиперидин,

каротин, антацион, органик кислоталар, минерал тузлар ва С, А витаминлари бўлади.

Чойўтнинг таркибидаги моддаларнинг миқдори, унинг

<sup>3</sup> Д. Йорданов, П. Николов, А. Бойчинов, Фитотерапия. Второе дополненное русское издание, Изд-во Медицина и физкультура, София, 1970, стр. 179.

<sup>4</sup> Я. Мацку, И. Крейча, Атлас лекарственных растений, Братислава, Изд-во Словацкой академии наук, 1970, стр. 234.

ўсиш шароитига, ташқи таъсирга ҳамда ривожланиш даврларига қараб ўзгариб туради. Бу ўсимликдан гуллаш даврида фойдаланилса, яхши натижалар беради.

**Исмалоқ (Шпинация туркестаника).** Бу ўсимлик жуда қимматбаҳо витаминли ҳисобланиб, шўрадошларга мансубдир. Бу бир йиллик ўсимликнинг бўйи 10—70 см гача боради. Унинг барги юмалоқ, тухумсимон, наштарсимон бўлиб, тўпбарг шаклида жойлашади. У бегона ўт тариқасида республикамизнинг ҳамма областларидаги лалмикор ерларда, адирларда кўплаб тарқалган. Исмалоқ ўсиш шароитига қараб баҳордан то ёз бошлангунгача гуллайди ва уруғ ҳосил қилади. У баҳорда бошқа ўсимликларга нисбатан эртароқ кўкаради.

Исмалоқ сабзавот ўсимликлар группасига кириб, турли витаминларга ҳамда минерал тузларга бойдир. Унинг барглари ҳамда барра новдаларининг 100 гр да 75—80 мг С, 2,86—2,5 мг В, 4—6 мг Е, 3,5 мг К, 1,5 мг А, В ва D витаминлари, 2—9 мг каротин моддалари ҳамда 50—60 мг кальций, 680—750 мг калий, 51 мг фосфор, 28—30 мг темир ҳамда яшил бўёқ моддалари бўлади. Бу ўсимликдан кўпроқ истеъмол қилинса, организмдаги ортиқча сувларни тезроқ чиқариб юборади.

Исмалоқнинг барг барра новдаларидан консервалар, турли хил лаззатли таомлар (сомса, чучвара, шўрва) тайёрлашда фойдаланилса бўлади.

Исмалоқ маданийлаштирилса мақсадга мувофиқ бўларди. У жуда осонлик билан уруғидан кўпаяди. Ҳатто уни куз ва қиш фаслларида иссиқ хоналарда ҳам ўстириш мумкин.

**Олабута (Хеноподиум албум).** Шўрадошларга мансуб бўлувчи бир йиллик, бўйи 85—90 см келадиган ўсимликдир. Барги баргбандли, тухусимон чўзиқ тишсимон қирғоқли бўлади. Гули жуда кичик, яшил рангли, тўп ёки гуж, поя ва новда учларидаги бошоғи рўваксимон шаклда жойлашгандир.

Олабута июнь — августда гуллайди ва уруғлайди. У бегона ўт тариқасида, экин майдонларида, девор тағларида, йўл атрофларида дарё қирғоқларида, ариқ бўйларида ҳамда шўрхок ерларда тарқалгандир.

Олабута эрта баҳорда кўкариб чиқади. Уни барралик пайтида хамирли овқатларга, кўк шўрвага ишлатилади. Кавказ халқлари олабута ёрдамида томоқ оғриқни даволайдилар. Олабутанинг танаси бўёқ моддасига бой, ун-

дан жунли матоларни бўяшда фойдаланиш мумкин. Бу ўсимликни қорамоллар яхши истеъмол қилганликлари сабабли ундан силос тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Олабута баргида 270—280 мг% С витамини ва 10—14 мг% каротин моддаси, органик кислоталар, минерал тузлар, уруғида эса 16% гача азотли, 38% гача азотсиз моддалар ҳамда 6% ёғ бўлади. Олабутани юқоридаги фойдали хусусиятларини ҳисобга олиб, ундан ҳар хил мақсадларда фойдаланиш мумкин.

**Газандаўт (Уртика дионка).** Газандадошларга мансуб, кўп йиллик ўт. Унинг бўйи 60—125 см бўлиб, барги тухумсимон, барг чети тишсимон қирқилган, уч томони ўткирлашган, поясида қарама-қарши жойлашади. Газандаўтнинг барча органлари қичитқи тукчалар билан қопланган. Бу ўт республикамизнинг тоғли районларида кўплаб тарқалган. Газандаўт сернам жойларда, ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, булоқ атрофларида, дарахтлар тагида баъзан боғларда учрайди. Умуман, у денгиз сатҳидан 3000 м баландликкача бўлган жойларда ўсади. (2-расм).

Газандаўт май — август ойларида гуллайди ҳамда июль — сентябрларда уруғи етишади. Газандаўтнинг барг ва барра новдаларидан юқори сифатли салатлар, соуслар, пюре ҳамда борш тайёрланса бўлади.

Халқ медицинасида газандаўтдан қон тупуриш касаллигини даволашда фойдаланилади. Илмий медицинада турли касалликларни даволашда ишлатилади. Ветеринарияда гангренага қарши қўлланади.

Чехословакия ССРнинг фармацевтика саноати газандаўтдан ҳар хил галенли ва махсус препаратларни тайёрлайди.

Болгария халқ табобатида газандаўтдан ошқозон, диабет, жигар, бурундан қон кетиш ва зотилжам касалликларини даволашда фойдаланилади. Илмий медицинада эса газандаўт ҳар хил тери экземалари, геморрое, бўғин боди ҳамда ошқозон касалликларини даволашда ишлатилади.

Шунингдек, бу ўсимликдан кўп миқдорда хлорофилл олиш мумкин, уни фармацевтика, озиқ-овқат ва парфюмерия саноатида ишлатса бўлади. Газандаўтнинг илдизи сариқ, барги эса яшил бўёқ моддасига эга.

Газандаўт ўз таркибида С, В, К витаминлари ва А провитамини, чумоли кислотаси, каротин, гистамин,



3,7% танид моддаси, темир моддасини ҳамда минерал тузларни сақлайди.

Газандаўтдан саноатнинг турли тармоқларида фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.



2-расм. Газандаўт.

**Газандаўтсимон (Ламиум албум).** Кўп йиллик, илдизпояли, баландлиги 70(100) см га етадиган бўлиб, лабгулдошларнинг вакилларида биридир. Унинг пояси тик, кам новдаланган, туксиз баъзан қисқа тукли бўлади. Бу ўсимликнинг барги яшил, тухумсимон, нишдор, асоси думалоқ ёки бирозгина юраксимон, чети арриси-

мон, майин тукчали баъзан туксиз бўлади. Унинг пояси-нинг пастки қисмида ўрнашган барглари узун бандли, юқоридагилари қисқа бандлидир. Газандаўтсимоннинг гуллари юқоридаги баргларининг қўлтигида халқа шак-



3-расм. Газандаўтсимон.

лида ўрнашади. Гултожи оқ, узунлиги 2—2,2 см, ташқи томони тукчали бир оз қийшайгандир. Данақчаси тескари тухумсимон, ўткир қиррали, узунлиги 2,5 мм. У июлда гуллайди, августда уруғи етишади.

Газандаўтсимон зах ерларда, ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, сойларда тарқалган. У Тошкент ва Сурхондарё областларининг тоғли районларида кўп учрайди. (3-расм)

Бу ўсимлик ташқи кўриниши билан газандаўтга ўхшаганлиги учун уни газандаўтсимон деб атадик. Лекин унинг гули йирик, оқ рангли бўлиб, барг қўлтиғида жойлашади, қичитқи туклари бўлмайди.

Газандаўтсимоннинг барра новдаларини сабзавот ўсимликлари сингари истеъмол қилиш мумкин. Унинг таркибида кўп миқдорда бўёқ моддалари, каротин ва 130—286 мг% С витамини бор.

**Пиёз (Аллиум)** Республикамиз флорасида пиёзларнинг кўп йиллик (айрим ҳолларда икки йиллик) вакиллари дан 68 тури кенг тарқалгандир. Шулардан фақатгина 3 тури (А. кепа, А. сативум ва А. поррум) маданийлаштирилган бўлиб, қолганлари табиий ҳолда турли-туман иқлим ва тупроқ шароитларига мослашган ҳолда ўсади. Ёввойи пиёзларнинг деярли ҳаммаси фойдали, зираворлик хусусиятига эга. Баъзилари манзарали ўсимликлар қаторидан ўрин олади.

Ёввойи пиёзларнинг саноат аҳамиятига эга бўлганларидан бири анзур пиёзидир.

**Анзур пиёзи (Аллиум стипитатум).** Бу ўсимлик пиёзининг қалинлиги 3—6 см, йирик, яссимон, думалоқ, усти қора, қоғозсимон қобиқ билан ўралган, кўп йиллик пиёзгулдошларнинг вакиллари дандир. Унинг пояси силлиқ, 60—150 см гача боради, барги эса 4—6 см, қайишсимон, эни 2—4 см, чети текис, остки томони тукли, баъзан туксиз бўлади. Анзур пиёзининг гулбанди деярли тенг, гулқўрғонидан 3—6 марта узунроқ, асоси гул олди баргчасиздир. Кўсакчаси бир оз яссимон думалоқ, эни 5 мм гача боради.

Анзур пиёзи май — июнь ойларида гуллайди ва июнь — июль ойларида уруғи пишади.

У Фарбий Тяньшань, Омонқўтон, Зарафшон ва Ҳисор тоғларининг ўрта минтақасигача бўлган юмшоқ тупроқли жойларда учрайди. Анзур пиёзи фитонцидлик хусусиятига эга. Бу пиёздан тайёрланган салат ва консерва иштаҳани очади, ошқозоннинг овқат ҳазм қилиш қобилиятини оширади.

Табиий ҳолда ўсувчи анзур пиёзидан ҳозирги вақтда Самарқанд, Шаҳрисабз ҳамда Ленинобод консерва заводларида маҳсулотлар тайёрланмоқда. 1972 йилда Шаҳрисабз консерва заводи анзур пиёзидан 46 тонна консерва ишлаб чиқарган.

Анаур пиёзининг таркибида турли хил кимёвий моддалар мавжуддир. Айниқса, эфир мойи, глюкозид, протеин, крахмал, қанд моддалари ҳамда А,В ва 41 мг% С витаминлари бордир.

Бу ўсимликнинг фойдали хусусиятларини ҳамда аҳоли талабини назарга олиб, унинг уруғидан ёки ён пиёзларидан тоғ олди қисмлардаги бўш ерларда ва табиий ўсадиган жойларда кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

**Қора андиз (Инула хелениум).** Бу кўп йиллик ўт бўлиб, мураккабгулдошларнинг вакилларида бири ҳисобланиб, унинг пояси тик жўякли, тукчалар билан қопланган, бўйи 100—175 см келади. Қора андизнинг барглари йирик-йирик, узунлиги 50 см, эни 25 см гача бўлиб, атрофи тишсимон қирқилган тукчалар билан қопланган бўлади.

Қора андиз июнь-июль ойларида гуллайди, июль-августда эса уруғи пишади.

У тоғ этакларидан тортиб, тоғ зонасининг ўрта минтақасигача бўлган зах ерларда, дарахт ва буталар орасида учрайди. (4-расм)

Қора андиз шифобахш бўлиб, ундан фақат Урта Осиё халқларигина эмас, балки европаликлар ҳам қадим замонлардан бўён турли мақсадларда фойдаланишган.

Урта аср халқ медицинасида андиз шарбати билан ошқозон, кўкрак ва бош оғриғи каби касалликлар даволанган. Аллома олим Абу Али ибн Сино бу ўсимликнинг илдиз ва баргларини бод, бўғин оғриқлари ва эт узилиш дардларини даволашда қўллаган. Шу туфайли халқимизнинг: «Андиз бор жойда от ўлмас», дейиши бежиз эмас.

Халқ табобатида ҳозирги пайтда ҳам андиз илдизидан тайёрланган порошок ва шарбатлардан балғам ташлатувчи, сийдик ҳайдовчи, ҳароратни пасайтирувчи, қичима, экзема, бувасил, сил касалликларини даволашда ва гижжа ҳайдовчи дори сифатида фойдаланилади. Унинг барги эса яраларни даволашда ишлатилади.

Илмий медицинада унинг илдизидан тайёрланган дори ошқозон ва йўғон ичак жароҳатларини даволашда ишлатилади. Баъзи маълумотларга кўра, бу ўсимлик таркибидаги геленин моддаси сил бактерияси тарқалишига йўл қўймайди.

Қора андиз манзарали ва нектарга бой ўсимлик бўлиб, унинг илдизидан материалларни бўйашда ҳам фойдаланилса бўлади.

Қора андиз таркибида органик моддалар, минерал тузлар С витамини ҳамда эфир мойи бор. Илдиз ва илдиз-пояларнинг таркибида 3% эфир мойи, 44% инулин, 6%



4-расм. Қора андиз.

танид ҳамда бирмунча алкалоид ва сапонин моддалари мужассамланган. Унинг баргида алантопикрин деб аталувчи аччиқ модда ҳам бўлади. Кузда унинг илдизидаги фойдали моддаларнинг миқдори кўпаяди ва шу даврда ундан фойдаланилади.

**Қоқи (Тараксакум оффицинале).** У мураккабгулдошлар оиласига кирувчи, кўп йиллик ўт. Бу ўсимликнинг

илдиз олди барглари ерга ёпишиб ўсувчи, тўпгулбанди йўғон, кўпинча тукли, баъзан туксиз, сутли, бўйи 10—25 (30) см га етади. Гули сариқ, баъзан тўқ сариқ бўлади.

Қоқи апрель ойида гуллайди майда уруғи пишади.

Қоқи ўсимлиги воҳаларда, чўл, адир зоналарида, ариқ бўйларида, йўл атрофларида, боғларда ҳамда



5-расм. Қоқи.

экин майдонларида кўп учрайди. (5-расм) Бу ўсимликнинг эрта баҳорда униб чиққан майин, барра баргларини кишилар турли салатлар тайёрлашда ишлатадилар. Баргини шундайлигича ҳам истеъмол қилиш мумкин. Қоқининг қуритилган илдизи қовурилиб, сўнгра майдаланиб ундан кофе тайёрланади. Авваллари унинг майда туйилган илдиз порошокини буғдой ва арпа унларига аралаштириб нон ёпилган.

Қоқи медицинада кўкрак оғриғи, камқонлик ва дармонсизлик каби касалликларни даволашда ишлатилади.

Чехословакия халқ медицинасида қоқидан тайёрланган дори-дармон билан жигар, сариқ касали ва диабет даволанади. Фармацевтикада ундан турли галенли препаратлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Қоқининг илдизиди 40% инулин, 2—3% қанд моддаси, 3% каучук, 12—15% оксилли моддалар, 10% тараксацин, яъни аччиқ модда бор. Шунингдек, барги ва илдизиди 15.8—52.6 мг% С витамини ҳамда В витаминлари мавжуддир. Қоқини эрта баҳорда витаминли сабзавот ўсимлиги сифатида ишлатиш, инсон организми учун жуда фойдалидир.

**Сачратқи (Цикориум интибус).** Бу кўп йиллик ўсимликнинг пояси тик, тукчалар билан қопланган, новдаланган бўйи 70—110 (125) см бўлиб, мураккабгулдошларнинг кўп тарқалган вакилларидандир. Сачратқининг илдиз олди барглари тескари тухумсимон чўзиқ, чети қирқилган, поя барглари эса наштарсимон, йирик тишсимон қирқилган, асоси пояни ўраб олади. Поянинг юқори қисмидаги барглари бутун, қирқилмаган. Сачратқининг саватчалари (соябон) поя ва ён новда учларида тўп ёки биттадан жойлашган, қисқа гулбандлидир. Унинг гуллари ҳаворанг тусдадур.

Сачратқи ўсиш шароитига қараб июндан октябргача гуллайди ва уруғи пишади. Бу ўсимлик ариқ ва дарё қирғоқларида, йўлларнинг четида, зах ерларда адир зонасидан бошлаб то тоғнинг ўрта минтақасигача бўлган жойларда учрайди. (6-расм)

Сачратқининг баргида инсон организми учун фойдали моддалар кўп. Унинг баргини хомлигича ҳамда турли овқатларга аралаштириб, салатлар тайёрлаб истеъмол этиш мумкин. Унинг илдизини юқори сифатли спирт олишда озиқ-овқат санотида ва вино тайёрлашда ишлатиш мумкин. Ундан кофе тайёрлашда ва ёқимли ичимликлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Халқимиз сачратқини шифобахшлигини қадимдан билиб, ундан тайёрланган шарбатга офтоб урган болаларни чўмилтирганлар. Бу ўсимликнинг кули ёғ, қаймоқ билан аралаштирилиб тери экземасига қарши ишлатилган. Унинг илдиз шарбатидан иштаҳани очадиган, ошқо-

зон-ичак фаолиятини яхшилайдиган дори дармон сифатида фойдаланилган.

Чехословакияда сачратқини қанд лавлагиси сингарн экиб, «Цикория» кофеси ва чой тайёрлаш учун зарур бўлган моддани оладилар.



6-расм. Сачратқи.

Сачратқининг илдизида 56—65% инулин, 0,1—0,2% аччиқ модда интибин, 9—9,5% фруктоза, 10—12% левулоза, 0,6% ёғ ҳамда В витамини бор. Унинг баргида эса ёғ, инулин, шакар, азотли моддалар, кальций, кобальт, темир элементлари ҳамда С, В<sub>1</sub> витаминлари ва каротин бўлади.



**Шеролғин (Артемизиа дракункулус).** Мураккабгулдошларга кмурувчи, баландлиги 40—130 (150) см келадиган кўп йиллик ўтдир. Унинг барги бутун, баъзан уч бурчакли, қалами наштарсимон бўлиб, тўпгуллари руваксимондир.


Шеролғин июнда гуллайди, сентябрда уруғи пишади. У дарё соҳилларида, ариқ бўйларида, зах ерларда, тоғ этакларидан то яйлов қисмигача бўлган ёнбағирларда учрайди.

Шеролғиндан Кавказ халқлари сеvimли зиравор ўсимлик сифатида фойдаланадилар. Улар бу ўсимликни «Тархун» номи билан турли овқатлар тайёрлашда ишлатадилар. Ундан саноат аҳамиятига эга бўлган «эстрагон сирка»си тайёрланади.

Шеролғин халқ табибчилигида сийдикни тезлаштирадиган ва тиш тушишига қарши ишлатиладиган дори-дармон хусусиятига эга бўлган ўсимлик сифатида қадрланади. Медицинада сариқ, сув касалликларини даволашда қўлланилади. Бу ўсимлик С витамини, эфир мойи, минерал тузларга, феландрен, танид ҳамда бошқа моддаларга жуда бойдир.

Республикамызда шеролғиннинг табиий бойликлари мўл-кўл бўлишига қарамасдан, улардан фойдаланишга эътибор берилмаётир.

**Ёвшан (Артемизиа диффуза).** Бу мураккабгулдошларга мансуб бўлувчи, бўйи 20—40 см келадиган чалабута шаклидаги ўсимликдир. Ёвшаннинг кўп пояли, тик ўсувчи, ёғочсимон пўстлоғи ёрилган бўлиб, қўнғирсимон кул ранглидир. Унинг уруғ берадиган шохларининг баландлиги 10—25 см, тик, ярмидан бошлаб новдаланадиган, оқ чалкашган тукчалар билан қопланган, ўсиш даврининг охирларига бориб дағаллашадиган, қўнғирсимон ёки тўқ қўнғир рангли бўлади. Ёвшаннинг барги овал ёки деярли думалоқ жуфт патсимон бўлаккли, тўрсимон тукли бўлади. Поясининг пастки қисмидаги барглари-нинг узунлиги 2 см гача бўлади ва уруғламайдиган новдалари билан биргаликда ёз фаслида сўлиб қолади. Унинг тўпгуллари шингилчали, руваксимон, саватчалари эса ўтроқ ёки қисқа бандли, 3—5 мм катталиқда, тескари тухумсимон, асосига қараб торайган, 5—6 гулли, биттадан ёки бир қанчаси яқинлашиб жойлашгандир. Бу ўсимликнинг гуллари икки жинсли, сариқ кейинчалик қи-



зил рангга айланади. Уруғи тескари тухумсимон узунлиги 2—2,2 мм кўнғирсимон ранглидир.

Евшан сентябрда гуллайди, уруғи эса ноябрда пишади.

Бу ўсимлик барча областларимизнинг асосан чўл ва айрим ҳолларда адир зоналарида кўп тарқалгандир. Евшан чорва моллари учун айниқса куз ва қиш пайтларида ем-хашак ўсимликларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, у дори-дармонлик хусусиятига ҳам эгадир. Унинг тўпгулларидан тайёрланган шарбат гижжа ҳамда зотилжамни даволашда ишлатилади.

Евшан ўсимлигининг таркибида аччиқ, глюкозид, танид моддалари, смола, органик кислоталар ҳамда 100 мг% С витамини бордир.

**Қашқарбеда (Мелилотус оффициналис).** Бу дуккакдошларга оид, кўп йиллик ўсимликнинг пояси тик новдаланган, пастки қисми туксиз, юқори қисми тукли бўлиб, бўйи 100—150 см гача боради. Енбаргчаси бегизсимон, катталиги 2—8 мм. Унинг барги тухумсимон ёки ўткир наштарсимон, остки томони тукли, қирғоғи тишсимон, асоси бутун, узунлиги 9—25 мм, эни 3—16 мм га тенг. Шингилларида 30—80 та гули бор. Гулдор новдасининг катталиги 16 см гача боради. Қашқарбеданинг гултожбарглари сариқ рангли бўлиб, дуккаклари тухумсимон 5—8 мм, кўндалангига ғадур-будур, туксиздир.

Қашқарбеда май ойида гуллайди ҳамда августда уруғлайди. Бу ўсимлик республикамизнинг деярли барча областларида бегона ўт тариқасида учрайди. У йўл атрофларида, боғларда, экин майдонларида, ариқ бўйларида, ўтлоқзорлардан тортиб, то тоғнинг ўрта қисмигача бўлган жойларда ўсади. (7-расм)

Қашқарбеда хушбуй ҳидли, аччиқроқ тамли бўлиб, тамакига ҳид беришда, совун ишлаб чиқаришда, вермут виносини тайёрлашда ундан фойдаланилса бўлади. Қашқарбеда ҳайвонларга озуқа бўлувчи асал-ширали ўсимликлардан ҳисобланади.

Болгарияда бу ўсимлик шарбати дори-дармон сифатида ҳар хил яраларни, чипқон, қулоқ оғриқ, мигрен ҳамда қон босимини даволашда ишлатилади.

Қашқарбеда баргида 389 мг% С, 45 мг% Е витаминлари, 8,5 мг% каротин, 0,25% мелилотин глюкозид, кумарин, холин, танид ҳамда флавон глюкозиди мавжуддир.

Лимонўт (Меллисса оффициналис). Бу ўсимлик пояси тик, яхши тараққий этган, серновдали, жингалак тукчали, бўйи 30—120 см келадиган кўп йиллик ўт бўлиб, лабгулдошларнинг вакилларидан биридир. Унинг барги тухумсимон, асоси юмалоқ ёки юраксимон, четлари



7-расм. Қашқарбеда.

йирик аррасимон, остки томони туксиз, усти эса қисқа тукчалар билан қопланган. Лимонўтнинг гуллари узун, тукли гулбандли бўлиб, новдаларда халқа шаклида жойлашади. Унинг гултожибарглари оқ, ташқи томони тукчали, уруғи уч қиррали, чўзиқроқ, тўққўнғир ранг-лидир.

Лимонўт июнь — августда гуллайди ва июль — сентябрда уруғи пишади (8-расм).

У тоғ этакларидан тортиб, тоғ зонасининг ўрта минтақасигача бўлган ён бағирларда, дарахт ҳамда буталар тагида кўп учрайди.



8-расм. Лимонўт.

Лимонўтнинг гуллаш давригача бўлган барги ҳамда барра новдаларидан (хўл ёки қуритилган ҳолда) овқатларга, сомсаларга, компотларга ва сутли таомларга солиниб истеъмол қилинади. Ундан гўштли, балиқли ва замбуруғли консервалар тайёрлашда фойдаланса бўлади.

Лимонўт спиртли ва спиртсиз ичимликлар, вермут виноси ҳамда ликер ишлаб чиқаришда ишлатилади. Уни чойга ҳид беришда, совун тайёрлашда қўллаш мумкин.

Лимонўт медицинада организмнинг ҳаракатчанлигини оширишда, иштаҳани очишда, ошқозон, нафас йўллари яллиғланиш касалликларини даволашда қўлланилади. Ундан тайёрланган дорилар ошқозон ва ичакда тўпланиб қолган газларни ҳайдаб чиқаришда ишлатилади.

Чехословакияда бу ўсимликдан организмдаги оғриқни пасайтирадиган, шиш ҳамда томир тортишишини даволайдиган дорилар тайёрланади.

Лимонўт таркибида аччиқ модда ва 5% танид, органик кислоталар, лимон ва янтарь кислотаси, минерал тузлар, 0,05—0,3% эфир мойи, С, В, витаминлари ва А провитамини бор.

**Жағ-жағ (Капселла бурса пасторис).** Эрта баҳорда кўкариб чиқадиган, ҳар хил витаминларга бой бўлган ва истеъмол қилиниши мумкин бўлган ўсимликлардан бири жағ-жағдир.

Жағ-жағ крестгулдошлар оиласига кирувчи, бўйи 10 см, баъзан 70 см келадиган якка ёки бир қанча пояга эга бўлган, кўп новдали бир йиллик ўтдир. Бу сервитамин озуқанинг пояси тукчалар билан қопланиб, илдизолди барглари розетка ҳолатида жойлашиб, ланцетсимон бўлади.

У бегона ўт тариқасида, боғларда, экин майдонларида, йўл атрофларида кўплаб ўсади.

Жағ-жағ апрелнинг охиридан бошлаб то май ойининг ўртасигача гуллайди, июнь ойида уруғи пишади.

Бу ўсимликни халқимиз жуда қадимдан овқат ва дори-дармон сифатида ишлатиб келганлар. Унинг янги чиққан баргларидан пюре, сомса, чучвара тайёрлаш мумкин. Булардан ташқари, жағ-жағнинг шарбати ва ширасининг сувдаги эритмаси халқ табибчилигида ошқозон, жигар, буйрак ҳамда дизентерия касалликларини даволашда ишлатилади.

Замонавий медицинада эса, жағ-жағдан тайёрланган дорилар буйрак, ўпка дардларини даволашда қўлланилади.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, жағ-жағнинг таркибида рамкоглюкозид, гисопик, танид моддаси, сапонин, тирамин, холин, инозит, диосмин,

смола моддалари, фумарол, олма, лимон ва вино кислоталари, оз миқдорда эфир мойи, минерал тузлар ва С витамини, А провитамины мавжуд.

Жағ-жағ ўсимлигининг фойдали хусусиятларини ҳисобга олиб, унинг тана қисмини йиғиштириб, соя жойда, очиқ ҳавода ёки хоналарда қуритиб, сўнгра турли мақсадлар учун ишлатилса бўлади.

**Ялпиз (Мента азиатика).** Бу ўсимлик лабгулдошларга оид, кўп йиллик, бўйи 80—100 см, пояси новдали, чалкаш тукли бўлади. Барги наштарсимон ёки узунчоқ тухумсимон, ўткир асоси юмалоқ, юраксимон, қисқа бандли, чети ингичка аррасимон, устки ва остки томони чалкаш тукчалар билан қопланган. Ялпизнинг гуллари ингичка, сертукли гулбандлидир. Унинг гултожи 3—4 мм катталикдаги бинафша рангли бўлади.

Ялпиз июнь—августда гуллайди ва уруғи июль—сентябрь ойларида пишади.

Бу ўсимлик нам ва зах ерларда, ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, булоқ атрофларида тарқалган. Умуман, у денгиз сатҳидан 400—2300 м баландликдаги жойларда учрайди.

Маҳаллий аҳоли эрта баҳорда, эндигина кўкариб чиққан ялпизни териб олади. Ундан кўк сомса, манти ва чучвара тайёрланилади. Ялпизнинг барра барглари ва тўпгуллари аччиқ-чучукларга, шўрваларга, сабзавот ва гўштдан тайёрланган таомларга солиб истеъмол қилинади. Баъзан уни териб, яхшилаб ювиб, устига туз сепиб, нон билан ейиш мумкин.

Медицинада ва халқ табобатчилигида турли касалликларни даволашда фойдаланилади. Ялпиз нафас йўллари ва овқат ҳазм қилиш органларининг фаолиятини яхшилашда, бод, қичимани даволашда ва оғриқни пасайтиришда, фармакологияда дори-дармонларга ҳид беришда ишлатилади. У парфюмерия саноатида паста, порошок ва совунлар ишлаб чиқаришда, виноларга ҳид беришда қўлланилади.

Ялпиз тана қисмининг таркибида 0,08—3% эфир мойи, 3—8% танид ва аччиқ моддалар, кофеин ва хлороген кислоталари ҳамда А,С витаминлари бор<sup>5</sup>.

---

<sup>5</sup> Қ. Ҳожиматов, Эфир мойли ўсимликлар. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1971, 13-бет

**Мармарак (Салвиа склареа)** Лабгулдошларга кирувчи, бўйи 75—100 см келадиган кўп йиллик ўтдир. Унинг пояси тўғри, мустаҳкам новдаланмаган ёки уч қисми новдаланган, узун жингалак тукчалар ҳамда тукчасимон безлар билан қоплангандир. Мармаракнинг барги



9-расм. Мармарак.

йирик, тухумсимон, асоси юраксимон, чети тўмтоқ тишли, жингалак яллоқ тукчали, пастки барглари узун бандли бўлади. Унинг гултожи бинафша рангли, 22 мм катталикдадир. Мармаракнинг ёнғоқчалари юмалоқ, уч қиррали, оч жигаррангли бўлади.

Мармарак июнь — июль ойларида гуллайди ҳамда уруғи июль — августларда пишади. Бу ўсимлик боғларда, дарахт ва буталар орасида, лалмикор ерларда, сойларда тарқалган. У тоғ зонасининг ўрта минтақасигача бўлган жойларда учрайди (9-расм).

Мармарак ўсимлигидан зирвор сифатида фойдалани-

лади. Унинг баргидан соуслар, салатлар ҳамда гўшти овқатлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Бу ўсимликнинг қуритилган баргларидан ҳар хил гўшти ва сабзавотли консерваларни тайёрлашда, ликер, вино ҳамда чойларга хушбўй ҳид беришда фойдаланса бўлади.

Маҳаллий табобатчиликда мармаракнинг тана қисми томоқ ва оғиз бўшлиғида, нафас йўлида ҳамда овқат ҳазм қилиш органларида рўй берадиган баъзи бир касалликларни даволашда ишлатилади.

Мармарак ҳар хил органик моддаларга ва минерал тузларга бойдир. Унинг таркибида 0,48% эфир мойи, аччиқ ва танид моддалари, смола, фитонцид ҳамда А,С витаминлари бўлади. Уруғида эса 25—30% ёғ бор.

Мармарак юқори сифатли эфир мойли, зиравор, ёғ берадиган ва асал-ширали ўсимликлардан ҳисобланади.

**Тоғрайҳон (Ориганум титтантум).** Бу лабгулдошларга мансуб, кўп йиллик ўт бўлиб, баландлиги 40—60 (75) см келади. Унинг пояси битта ёки бир қанча, тўғри, юқори қисми шохланган жингалак тукчалар билан қопланган. Тоғрайҳоннинг барги тухумсимон ёки чўзиқ, уч томони ўткир ёки тўмтоқ бўлиб, асоси кенг понасимон, бутун қиррали бўлади. Унинг гуллари поянинг ёки новдачаларнинг уч қисмида руваксимон соябонда тўпланган бўлади. Улар республикамизнинг барча тоғлик районларининг майда шағалли, чириндига бой бўлган қўнғир ва қора тупроқли ерларида ўсади. Шунингдек, дарё ёқаларида, булоқ атрофларида, дарахтлар тагида ва очиқ майдонларда, адир ҳамда жанубий, шимолий ён бағирларда (денгиз сатҳидан 2400 м баландликкача бўлган жойларда) кенг тарқалган. (10-расм).

Тоғрайҳон июль — августларда гуллайди, август — сентябрда уруғи тўлиқ пишади.

Бу ўсимлик жуда ёқимли ҳидга эга бўлганидан зиравор сифатида, турли хил таомлар тайёрлашда ишлатилади. Ундан бодринг, карам, помидор, узум, олма консервалари тайёрлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тоғрайҳоннинг жуда қадим замондан бери шифобахш ўсимлик эканлиги кўпчиликка маълум. Унинг тана қисми гуллаш даврида халқ табобатчилигида ҳар хил касалликларни даволашда ҳамда овқат ҳазм қилиш аъзолари-



нинг иш фаолиятини яхшилаш учун ишлатилади. Илмий медицинада ундан тайёрланган шарбатдан уйқусизликни, сийдик ҳайдовчи восита сифатида, танадаги доғларни



10-расм. Торрайхон.

даволашда фойдаланилади. Ундан олинган эфир мойи дори-дармон сифатида тиш оғриғига қарши ишлатилади.

Бу ўсимликдан вермут виноси, квас ва ароқларга ҳид беришда ҳамда спиртсиз ичимликлар тайёрлашда ишла-

тиш мақсадга мувофиқдир. Тоғрайҳоннинг танасидан олиниши мумкин бўлган эфир мойидан ҳар хил атирлар, тиш пасталари, ҳидли совунлар ишлаб чиқаришда фойдаланса бўлади.

Ғ. Ҳамидовнинг илмий тадқиқот ишларида баён этилишича, тоғрайҳоннинг табиий майдонларининг ҳар гектаридан 120 кг асал-шира олиш мумкин<sup>6</sup>.

Тоғрайҳоннинг таркибида 2,3% эфир мойи, 6,8% танид моддаси, органик кислоталар, минерал тузлар ҳамда С витамини ва жуда кўп миқдорда А провитамини бўлади.

**Зуптурум (Плантаго майор).** Зуптурумдошлардан бўлиб, бўйи 10 (55) см келадиган кўп йиллик ўт. Барги тухумсимон ёки эллипссимон, асоси юмалоқ ёки икки томонидан сиқик, текис қиррали, паст қисми бир оз тишсимон қирқилган, баъзан тукчалар билан қопланган бўлади. Гултожибарглари оч қўнғир рангли, туксиз, трубкачадан иборат, тухумсимон — наштар шаклига эгадир. Уруғи қўнғир тусли, кичикдир.

Зуптурум май ойида гуллайди ва сентябрда уруғи пишди.

У бегона ўт қатори ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, йўл атрофларида, зах жойларда, боғларда ўсади.

Зуптурумнинг шифобахшлик хусусияти халқимизга қадимдан маълум. Унинг баргидан кўз оғриғи, яраларни, айниқса, чипқонни даволашда фойдаланиб келинмоқда. Шарбатидан эса тери шамоллашини, йўтал ва дизентерияни даволашда дори-дармон сифатида фойдаланганлар. Болгария халқ медицинасида бу ўсимлик ҳар хил касалликларни ҳамда ҳашаротлар чаққанда уни даволаш учун ишлатилади.

Зуптурумнинг шифобахш бўлишининг асосий сабаби, унинг таркибидаги ҳар хил моддаларнинг кўп бўлишидандир. Ўсимлик баргида глюкозид, инвертин ва эмульсин, каротин, 4% танид моддалари, алкалоид, 8,4—44,2 мг% С ҳамда кўп миқдорда А, К витаминлари, уруғида эса оқсил ва 22% ёғ бўлади.

**Буймодарон (Ахиллеа миллефолиум).** Бу мураккаб-гулдошларга кирувчи, кўп йиллик ўт бўлиб, пояси битта

---

<sup>6</sup> Ғ. Ҳамидов, Ўзбекистоннинг асосий асал-ширала ўсимликлари, Тошкент, Ўзбекистон КП МК Бирлашган нашриёти, 1969, 26-бет.

ёки бир қанча чизиқли тик тукчали ва баландлиги 70 см га яқиндир. Бўймодароннинг барги патсимон 3 бўлакка бўлинган, оч яшил рангли, устки томони, айниқса, томирчаларининг усти сертукли бўлади. Унинг поясининг учки қисмида ясси тўпгуллари саватча шаклида жойлашади. Саватчалари узунроқ бакалсимон бўлади.

Бўймодарон июнь—августларда гуллайди, июль—сентябрда уруғлайди.

Бу ўсимлик адир зонадан бошлаб, то яйлов зонагача бўлган майда шағалли қияликларда, дарахт ва буталар тагида, сойларда, йўл атрофларида ҳамда боғларда учрайди.

Бўймодарон доривор ва эфир мойли ўсимликлардан ҳисобланади. Уни гуллаш давридаги танасини уч томонидан 20—30 см узунликда кесиб олиб, қиём ва шарбат тайёрланади. Бу шарбатдан ошқозон-ичак, бош оғриғи каби касалликларни даволашда фойдаланилади.

Бўймодароннинг таркибида 0,1—0,65% эфир мойи, танид ва аччиқ ахиллеин моддаси, органик кислоталар, минерал тузлар, каротин ҳамда С, К витаминлари бор.

**Қирқбўғин (Егуизетум арвензе).** Қирқбўғиндошларга кирувчи, спорали кўп йиллик ўсимликлардан бўлиб, бўйи 40(60) см га етади. Поя ва новдачалари бўғинларга бўлинган, баҳорда қизғишсимон ёки қўнғирсимон новдалар кўкариб чиқади. Лекин улар шоҳланмайди, уч қисмида спорали бошоқчалари бўлади. Споралар етишгандан сўнг бу новдачалар қурийди. Сўнгра илдизпоядан поячалар кўкариб, новдаланади. Пояда новдачалар халқасимон ўрнашади. Қирқбўғиннинг кўриниши арчасимон бўлиб, яшил ранга эга бўлади.

Қирқбўғин апрель — июнь ойларида споралайди. Бу ўсимлик бегона ўт тариқасида ариқ ва дарё қирғоқларида, суғориладиган тоғ олди қисмидаги жойларда, зах ва ботқоқ ерларда, ўтлоқларда кўпроқ тарқалган.

Қирқбўғиндан дори-дармон сифатида фойдаланилади. Унинг тана қисми ёз ойларида йиғиштирилиб, салқин ва соя жойда қуритилади. Сўнгра баъзи касалликларни даволашда ишлатилади. Қирқбўғиннинг шарбати билан ичак жароҳатлари, йўтал даволанади.

Болгария медицинасида қирқбўғин ўпка силини ҳамда сийдик чиқарувчи органларда пайдо бўлган касалликларни даволашда қўлланилади.

Қирқбўғиннинг таркибида кўп миқдорда кремний кислотаси, сапонин-эквизетонин, танид моддалари, флаванонидлар, никотин, эквизетин алкалоидлари, органик кислоталар минерал тузлар, шунингдек, 10—15% оксил 2—3% ёғ, каротин ва С витамини бўлади.

**Оққалдирмоқ (Туссилаго фарфара).** Мураккабгулдошларга мансуб, илдизпояли, ўрмалаб ўсувчи, новдаланган кўп йиллик ўт-ҳисобланади. Оққалдирмоқнинг пояси 5—25 см баландликда бўлиб, бир-бирига қўшилиб кетган тукчалар билан қопланган. Унинг поясидаги барглари узунчоқ тухумсимон, илдизпоя олди барглари эса, 10—25 см энликда, юраксимон, чети тенгсиз тишсимон ўйилган, устки қисми туксиз бўлади. Оққалдирмоқнинг гуллари саватчага жойлашган, саватчанинг диаметри 2,5 см гача бўлади.

Оққалдирмоқ апрелда гуллайди, июлда уруғи пишади.

У ўтлоқларда, ариқ ҳамда дарё бўйларида, зах ерларда тарқалган бўлади. Оққалдирмоқнинг баргидан тайёрланган қиём, шарбат ва шира билан турли хил касалликлар: йўтал, шамоллаш, сил касаллиги даволанади. Бундан ташқари иштаҳани очувчи дори-дармон сифатида ҳам фойдаланилади. Нафас сиқиш пайтида, уни қуритилган барглари папирос каби чекилганда, жуда яхши натижа беради. Фармацевтикада ўсимлик барги «чой» таркибига киритилган, галенли дорилар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Бу ўсимлик турли хил моддаларга жуда бойдир. Унинг таркибида 5—12% танид, аччиқ, глюкозид ва сапонин моддаси, туссилагин, фитостерин, инулин, крахмал, куротиноидлар ҳамда С витамини кўп бўлади, Шунингдек, оққалдирмоқнинг гулида эфир мойи, танид ва бўёқ моддаси тараксантин бор.

**Қорақанд (Берберис облонга).** Зиркдошларга оид, маҳаллий аҳоли зирк ёки қорақанд деб атайдиган бу ўсимликнинг баландлиги 3 м гача боради. У Ўзбекистоннинг деярли ҳамма тоғли районларида тарқалган.

Зирк июнь—июль ойларида гуллаб, июль—сентябрь ойларида мевалари пишади.

Ўрта Осиё халқлари қадим замонлардан бери қорақандни ҳар хил таомлар ва мурабболар тайёрлашда ишлатиб келганлар. Лекин шунга қарамай, қорақанд ҳозирги кунда озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилмаётир.

Ҳолбуки, унинг мевасидан турли-туман шарбатлар ва мурабболарни тайёрлашда, консервалар ишлаб чиқаришда, алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар ҳамда сиркалар тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин. Қорақанд конфет ва мармеладларга аралаштирилса, уларга хушбуй ҳид ва нордон таъм беради. Ундан олинадиган бўёқдан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Қорақанднинг барг ва пишмаган меваларининг таркибидаги берберин алкалоиди юрак иш функциясини нормаллаштириш хусусиятига эгадир. Халқ табобатида, унинг меваларидан тайёрланган қиём билан қон босими ошган, зотилжам касалига дучор бўлган беморлар даволанади. У иштаҳани очади, чанқовни босади, ошқозон-ичакнинг ишлаш қобилиятини яхшилаиди.

Қорақанд пишган мевасининг таркибида кўп миқдорда олма, лимон ва вино кислоталари, танид, бўёқ моддалари ҳамда 120 мг% С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР, Е, А, витаминлари ва каротин бўлади.

**Каттабаргли қорақат (Рибес янчевский).** Бу қорақатдошларга кирувчи, унча баланд бўлмаган бута шаклидаги, новдалари туксиз ёки кам тукли, аввал сариқ олтинсимон, кейинча тўқсариқ рангга ўтиш хусусиятига эга бўлган ўсимликдир. Барглари йирик, кўндалангига 15 см келадиган юраксимон, 5 бўлакли, чети ўткир тишсимон қирқилган бўлади. Шингилларининг узунлиги 5 см бўлиб, 5—10 та гуллардан ташкил топган. Гулбандлари туксиз, гул олди баргчалари наштарсимондир. Меваси йирикроқ, қора, жуда ёқимли ҳидлидир.

У июнда гуллаб, меваси августда пишади.

Катта баргли қорақат тоғ ва яйлов зоналарида ўсади. У ариқ бўйларида, дарё соҳилларида, жарлик ерларда учрайди.

Бу ўсимликнинг меваси нордон ширинроқ, ёқимли ҳидли бўлганлиги сабабли, ундан озиқ-овқат саноатида фойдаланса бўлади. Каттабаргли қорақатдан витаминли сироп, мураббо, конфет тайёрлашда ҳамда виноароқ ишлаб чиқаришда фойдаланилса бўлади. Унинг барглари бодринг, помидор, тарвуз, карамларни тузлашда ва консерва тайёрлашда ишлатилади.

Каттабаргли қорақат қиёми ошқозон фаолиятини яхшилаиди, шамоллашга қарши ишлатилади. Унинг таркибида минерал тузлардан кальций, темир, фосфор, кўп миқдорда шакар, танид, бўёқ ва пектин моддалари, ли-

мон, олма кислоталари ҳамда 18 мг% А, 350 мг% С, В ва Р витаминлари бўлади.

**Маймунжон (Рубус каезиус).** Бу бўйи 50—150 см келадиган, ётиб ўсувчи, бир йиллик ўсимликдир. Маймунжоннинг новдалари ёйсимон эгилган, цилиндр шаклида, кўп тиканли, баъзан дағал туклар билан қопланган бўлиб, раъногулдошларнинг вакилларидан ҳисобланади. Барги уч баргли, ён баргчалари наштарсимон, баргбанди тукли ва тиканли, баргчалари нотўғри, тишсимон қирқилган, охиргиси тухумсимон ромб шаклида, ўткир, кўпинча ёнидаги барглари икки бўлакдир. Гулдор новдалари узун, уларда тўпгуллар ўрнашган бўлади. Меваси бир қанча данакчали, кўк қорамтир ранглидир.

У май — июнь ойларида гуллайди ва июнь — июль ойида меваси пишади.

Маймунжон тоғ зонасининг ўрта қисмигача бўлган жойларда тарқалган. У ариқ ва дарё қирғоқларида, зах ерларда, тўқай ҳамда тошли қияликларда ўсади.

Халқ табибчилигида маймунжоннинг хом меваси зотилжам касаллиги, баргидан тайёрланган қиём ёрдамида томоқ оғриғи даволанади.

Бу ўсимликнинг меваси шундайлигича ёки қуритиб истеъмол қилинади. Ундан озиқ-овқат саноатида ҳамда конфет, шарбат тайёрлашда фойдаланилса бўлади. Шунингдек, у ёқимли ликер, алкогольсиз ичимликлар, лимонад ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Унинг меваси таркибида шакар, эфир мойи, танид, оқсил моддаси, флавоноллар, калий ва фосфор тузлари, салицил, олма, чумоли ҳамда лимон кислоталари ва С витамини кўп бўлади. Маймунжоннинг баргида 300 мг% С витамини бор.

Маймунжон юқори сифатли асал-шира берадиган ўсимликлар группасига киради.

**Тотум (Рус корнариа).** Бу бута, баъзан дарахт шаклидаги ўсимлик бўлиб, бўйи 50—500 см га етадиган тотумдошларнинг вакиллариандир. Унинг мураккаб тоқ патсимон чиройли барглари яшил рангга, кузга бориб эса, қизил рангга киради. Тотумнинг меваси рўвак ёки бир бош узумга ўхшаб ғуж ҳолда новданинг учида жойлашган бўлади.

У июнь — июль ойларида гуллайди ва сентябрь — октябрда меваси яхши етишиб пишади.

Тотум иссиқсевар ўсимлик бўлгани учун кўпроқ иқлими иссиқ жойларда, айниқса, Сурхондарё области-нинг Сангардак, Тўпаланг, Дуоба, Киштут дарёларининг шағал тошли қирғоқларида ўсади. Унинг яхши хусу-сиятларидан бири шуки, у бошқа ўсимликлар унча ўса олмайдиган қурғоқчил, тупроғи кам, қаттиқ жинсли ерларда бемалол ўсaveraди.

Тотумнинг барг ва новдасидан олинадиган танид моддаси териларни ошлаш учун ишлатилади. Ошланган тери эластик, синмайдиган, зич ҳамда сув ўтказмайди-ган ҳолатга келади. Ота-бобларимиз тотумнинг уруғини сувга солиб, озгина темир парчасини ташлаб қиём ҳо-лига келгунча қайнатиб, ҳосил бўлган қора рангдан бўёқ сифатида фойдаланганлар.

Бу ўсимлик дориворлик хусусиятига ҳам эга. Ундан йўтал, оғиз ҳамда милк жароҳатлари, тамоқ оғриғи ва бошқа касалликларни даволашда ҳамда иштаҳани оча-диган, овқат ҳазм қилишни тезлаштирадиган дори-дар-мон сифатида фойдаланилади.

Тотум мевасини овқатга солиб ишлатса ҳам бўлади. У овқатга нордон ва хушбуй маза беради. Тотумнинг таркибида 13—22% танид моддаси, галл, пирогалл ва вино кислоталари, кварцетин, рамнетин ва мирицетин деган бўёқ моддалари ҳамда кўп миқдорда С витамини бўлади.

**Ровоч (Реим максимович).** Бу кўп йиллик ўсимлик-нинг пояси тик, новдаланган, қизғишроқ, баргсиз бўлиб, баландлиги 70—150 см келадиган торондошларнинг вакилларидан биридир. Барги узун бандли, япроғи ду-малоқ, асоси буйраксимон, узунлиги 40—55 см, эни 50—60 см гача боради. Гуллари яшилсимон рангли, бандлари билан пирамидасимон тўпгулларига ўрнаш-гандир. Меваси йирик, осилиб турувчи, уч қиррали бў-лади. У апрель—июнь ойларида гуллайди, меваси июль—августларда пишади.

Ровочни республикамизнинг адир, тоғ зоналаридаги турли тупроқ шароитларида учратамиз.

Ровочларнинг ажойиб шифобахш ва бошқа хусусият-лари жуда қадимдан кишиларга маълумдир. Хусусан улардан озик-овқат, дори-дармон ҳамда териларни ош-лашда фойдаланиб келинмоқда.

Улуғ ўзбек олими Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» номли асарининг II китобида ровочнинг

дори-дармонлиги тўғрисида гапириб: «Унинг сиқиб олинган сувини кўзга тортилса, кўзни ўткир қилади... Қизамиқ, чечак, тоун ва вабога фойда қилади... Ровоч илдизи овқат ҳазмининг бузилишидан бўлган ич кетишида, ичак оғриқларни, буйрак ва қовуқлардаги ҳамда бачадондаги оғриқларни қолдиришда ниҳоятда фойдалидир»<sup>7</sup>, — дейди олим.

Ровочнинг нордонлигини лимон нордонлигига тенглаштирилади. Халқимиз ровочнинг баргбандини, баргининг асосий томирларини, ёш поясини ва тўпгулбандини истеъмол қилиш билан бир қаторда уларда бошқа фазилатлар борлигини яхши билганлар. Унинг илдиз ва мевасидан тайёрланган шарбатдан халқ табобатида иситмани туширишда, ошқозон яраларини ҳамда ич кетишни даволашда фойдаланилади.

Ровочнинг тозалаб қуритилган илдизини сутда қайнатиб тайёрланган шарбати ошқозон-ичак ҳамда юрак касалликларини даволашда қўлланилади. Унинг илдиз кули билан яралар ва жароҳатланган жойлар даволанади.

Илмий медицинада ҳам ровочнинг илдизи ва мевасидан спирт ёрдамида тайёрланган шарбат ич кетиш касалини даволаш учун тавсия этилади.

Ровочнинг яна муҳим хислатларидан бири шундаки, у кўнчилик саноати учун хом ашё ҳисобланади.

Ровочнинг таркибида 14—18% танид, 6,6% шакар моддаси, 22% крахмал, 0,8% глюкозид ва бўёқ моддалари, олма, вино, лимон кислоталари, минерал тузлар, С витамини ва А провитамини бор.

**Сувқалампир (Полигонум хидропипер).** Бу ўсимлик аччиқ тамли, пояси тик, баъзан ётиқ ва туксиз, асосигача новдаланган, қизғишроқ рангли, баландлиги 75 см келадиган бир йиллик ўт бўлиб торондошларга мансубдир. Унинг барги ўткирроқ, наштарсимон, асосига қараб сиқилиб борувчи, қисқа бандли, юқоридагилари эса бандсиз бўлиб, пояга ёпишган ҳолда ўрнашгандир. Баргининг атрофида қисқа тукчалари бўлади. Сувқалампир баргининг узунлиги 8 см, эни 3 см гача бўлади.

Гуллари поя ва новданинг уч қисмида ўрнашгандир. Сувқалампир июль — октябрь ойларида гуллайди ва уруғлайди.

<sup>7</sup> И б н С и н о. Тиб қонунлари, II китоб. Тошкент, Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, 1956. 572-бет.



У ариқ бўйларида, сувля жойларда ва зах ерларда кўп учрайди.

Сувқалампирнинг барги, новда ҳамда илдизи жуда аччиқдир. Унинг илдизини қалампир ўрнида ишлатса бўлади. Бу ўсимликни гуллаш даврида дори-дармонлик хусусияти жуда яхши бўлади. Ундан тайёрланган препарат гидропиперин ҳамда шарбат ва қиёмидан, зотилжам ва геморрое дардларини даволашда фойдаланилади.

Болгар халқ медицинасида бу ўсимлик ёрдами билан ошқозон-ичак касалликлари ва яралари даволанади.

Сувқалампирнинг барг ва новдаларининг таркибида рутин, кверцетин, танид моддалари, полигопиперин глюкозиди, эфир мойи, полигон, сирка, олма, валерион ва мелисин кислоталари, минерал тузлар, Р,К ҳамда 200 мг% С витаминлари бўлади.

**Торон (Полигонум кориариум).** Торондошларга кирувчи, илдиз системаси яхши тараққий этган, саноат аҳамиятига эга бўлган кўпйиллик ўтдир. Унинг пояси кўп, тик ўсувчи, бўйи 3 м га етади. Барги қисқа бандли, тухумсимон шаклда бўлиб, узунлиги 12 см, эни 7 см га етади. Баргининг асоси кенг понасимон ёки юмалоқ, чети майда тукчали бўлади. Тўпгуллари жуда йирик, кўп шохчали, катталиги 45 см гача, поя ва новда учларида рувак ҳолатида ўрнашгандир. Енғоқчаси 3 қиррали, ўткир, жигар рангли ёки қўнғир тусли бўлади.

Торон июнь — августларда гуллайди ҳамда уруғлайди.

У Ўзбекистоннинг тоғли районларида, денгиз сатҳидан 1800—3100 м гача бўлган баландликларда тарқалгандир. Тороннинг саноат аҳамиятига эга бўлган бойликлари Фарғона тоғларининг шимолий, шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий ва ғарбий тоғ ён бағирларининг 2000—2600 м баландлигида ўсади.

Халқимиз жуда қадим замонлардан буён торон илдиздан териларни ошлашда фойдаланганлар. Ҳозирги кунда торон тери кўнлаш саноатининг асосий хом ашёси ҳисобланади. Унинг барра новдаларини шундайлигича истеъмол қилиш мумкин. Илдиз шарбати ички касалликларни, зотилжамни, порошоғи эса ҳар хил яраларни даволашда ишлатилади.

Тороннинг таркибида 25—35% танид моддаси, флавоноидлар, минерал тузлар, галлол ва олма кислота-

лари, глюкоза, крахмал моддаси ҳамда кўп миқдорда С ва К витаминлари бор.

**Семизўт (Портулака олерацеа).** Бу бир йиллик ўт бўлиб, баландлиги 35 см га етади. Пояси этдор, туксиз, тарвақайлаган, ярим ётиб ўсувчи семизўтдошларнинг вакилларидан биридир. Поясининг пастки қисмида ўрнashган барглари навбатлашган, юқори қисмидагиси эса қарама-қарши жойлашгандир. Барги бандсиз понасимон тескари чўзиқ ёки чўзиқ понасимон шаклда бўлиб, асосига қараб сиқилган, яшил ранглидир. Семизўтнинг гуллари кичик, новдаларининг учларида ва барг қўлтиғида 2—3 тадан тўп бўлиб ўрнашади. Унинг гултожибарглари сариқ, тескари тухумсимондир. Кўсакчалари тухумсимон ёки юмалоқ, 5—8 мм узунликдадир.

Семизўт июнь — октябрь ойларида гуллайди ҳамда уруғлайди.

У бегона ўт бўлиб, боғларда, экин майдонларида, айниқса, полиз экинлари экиладиган ерларда кўп тарқалган бўлади.

Семизўтнинг новда ҳамда барра поялари тўғридан-тўғри хомлигича ёки пишириб истеъмол қилинади. Бу Кавказ халқларининг севимли истеъмол қиладиган ўсимлигидир. Ундан салат тайёрлашда ва суюқ таомларга солиб истеъмол қилишда фойдаланиш мумкин. Бу ўсимликнинг ширасидан олиниши мумкин бўлган порошок дори-дармонлик хусусиятига эгадир. Унинг ёрдамида ҳароратни пасайтириш ҳамда ичак яраларини даволаш мумкин.

Семизўтнинг таркибида кўп миқдорда сутсимон ширали моддалар, 22% азотли ва 2,5% азотсиз моддалар, 0,4% ёғ, 1,4% клетчатка, органик кислоталар, минерал тузлар ҳамда 179—300 мг% С витамини бўлади.

**Ёнғоқ (Юугланс регия).** Бу ёнғоқдошларга оид, баландлиги 30 м га келадиган мевали дарахтдир. У Ўзбекистонда маданий ва табиий ҳолда жуда кенг тарқалган ёнғоқзорларни ташкил этган ўсимликлардандир. Усиш шароитига қараб апрель — май ойларида гуллайди, август — сентябрда меваси пишади.

Табиий ёнғоқзорлар Зарафшон, Ҳисор, Боботоғ, Угам, Пском, Чотқол, Қурама ва Коржантоғ тизма тоғларининг денгиз сатҳидан 800—2000 (2500) м баландликдаги қора қўнғир тупроқли ён бағирларида учрайди.

Ўзбекистондаги ёнғоқзорларнинг майдони 18000

гектардан кўпроқ. Гектаридан ўртача 300—500 кг ҳосил йиғиштириш мумкин.

Ёнғоқ дарахти ва унинг меваси халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун асосий хом ашё манбаларидан бири ҳисобланади.

Ёнғоқнинг мағзида 77% ёғ, 20% оқсил, 5% қанд моддаси ҳамда А, В, В<sub>1</sub>, С витаминлари бўлади. Шунингдек, минерал тузлар ва микроэлементлар бор. Ёнғоқнинг пўстлоғида, яшил мева пўстида ва баргида 25% танид моддаси ҳамда 0,01—0,1% эфир мойи бўлади. Булардан ташқари мева пўстида ҳамда баргида югладин деб аталувчи бўёқ моддаси ҳам мавжуддир.

Ёнғоқларни кўпайтириш усуллари ва парвариш қилиш методлари аллақачон ишлаб чиқилган. Улардан тўлиқ фойдаланиш ва бу соҳадаги ишларни кенг планда олиб бориш керак.

**Писта (Пистация вера).** Бу ўсимлик пистадошлар оиласига кириб, баландлиги 10 м ча келади. У Фарғона, Зарафшон, Ҳисор, Боботўғ тоғ тизмаларининг денгиз сатҳидан 700—1500 (2000) м баландликлардаги соз тупроқли жойларида тарқалган.

Писта март—май ойларида гуллайди ва август—сентябрь ойларида меваси пишади.

Ўзбекистоннинг жанубий районларидаги табиий пистазорларнинг майдони 75000 гектарни ташкил этади. Бу майдонлардан йилига 40 тонна мева йиғиштириш мумкин. Писта меваси озиқ-овқат сифатида ишлатилади, ундан олинадиган мой кондитер ва парфюмерия саноатида қўлланилади. Медицинада писта мағзидан олинган ёғ, зайтун ёғи билан бир қаторда фойдаланилади. Бу ёғ ёрдамида жигар, ошқозон касалликларини даволаш мумкин. Пистадан олинган танид моддаси медицинада ишлатиладиган таниннинг асосий манбаи ҳисобланади.

Писта баргида 13—14%, бужғунида 26—35% ва пўстлоғида 4—5% танид моддаси бўлади. Шунингдек, лимон кислотаси, бўёқ моддаси, флавонолар, 0,158 мг% В<sub>1</sub>, 0,117 мг% В<sub>2</sub>, 0,188 мг% РР, С витаминлари ва каротин 0,48 мг% бўлади. Унинг мевасида 18—25% ёғ ҳамда оқсил, қанд моддалари бордир.

Тегишли ташкилотлар пистанинг фойдали хусусиятларини ҳисобга олиб, унинг уруғидан тоғ ён бағирларида кўпайтириш ва мавжуд пистазорларни муҳофаза қилиш

учун сўнги вақтларда катта ташкилий тадбирларни амалга ошираётирлар.

**Анор (Пуника гранатум).** Анордошларга кирувчи, баландлиги 5 м ча келадиган бутадир. У субтропик ўсимликлардан бўлиб, Кичик Осиёда ҳамда Кавказда кўплаб ўстирилади. Республикамизда анорнинг 40 дан ортиқ навлари бор. У Ўзбекистоннинг деярли барча районларида ўстирилади. Табиий ҳолда ўсувчи анорлар Ўзбекистоннинг жанубий районларида учрайди. Биз анорзорларни жанубий ва ғарбий Ҳисорда, Киштут дарёсининг ўнг қирғоғида, денгиз сатҳидан 1000—1300 м баландликда учратдик.

Анорнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти муҳимдир. У мевали, бўёқли, танидли, доривор ҳамда витаминли ўсимликлардан ҳисобланади.

Илмий медицинада анорнинг тана пўстлоғи ҳамда илдиз пўстлоғидан тайёрланган дори-дармон билан гижжаларни туширишда фойдаланилади. Унинг мева пўстидан тайёрланган шарбат ошқозон ва ичак шамоллаши ҳамда зотилжамни даволашда ишлатилади. Меваси турли касалликларни, чунончи сариқ, қичима, тиш тушиш ва юракнинг иш фаолиятини яхшилаш ҳамда даволашда қўлланилади. Анорнинг барги ва мева пўсти чой ўрнида ишлатилади.

Анорнинг таркибида 4% лимон кислотаси, 21% қанд, 20—30% танид моддаси, оз миқдорда крахмал, ёғ, сариқ бўёқ моддаси, минерал тузлар, 0,2—3,5% псевдопельтьерин ва пельтьерин алколоидлари ҳамда провитамин А, С, 114 мг% В<sub>1</sub>, 0,44 мг% В<sub>2</sub>, 0,319 мг% РР, 0,88 мг% Е.39—105,6 мг% С витаминлари ва 1,02 мг% каротин бўлади.

Ўзбекистонда анорзорларни янада кўпайтириш ва улардан унумли фойдаланиш учун барча имкониятлар ҳамда шароитлар мавжуддир. Ана шу имконият ва шароитлардан тўғри фойдаланишимиз ҳамда уларни ишга солишимиз лозим.

**Гулпар (Хераклеум лехманнианум).** Соябонгулдошларга мансуб бўлган, кўп йиллик, ўқ илдизли, баландлиги 1—2 (2,5) м келадиган ўсимликдир. Пояси кўп, йўғон, ичи бўш, чизиқли, ўрта қисмидан бошлаб новданган қаттиқ ва ялтироқ тукчалар билан қопланган бўлади. Баргининг устки томони туксиз, пастки қисми қисқа ва майин тукчалидир. Илдиз олди барглари кенг

тухумсимон ёки патсимон бир оз ўйилган, чети тишсимон, банди чизиқли, дағал тукчалидир.

Соябони даста тўпгул шаклида поя ва новда учларида жойлашган, соябончаларга бўлинган бўлиб, ҳар бирида 40—50 та гули бор. Гулпарнинг гултожи оқ ёки пушти ранглидир. Меваси тескари тухумсимон ёки эллипссимон, деярли туксиз, узунлиги 0,9—1 см келади. Гулпар июнда гуллаб, июль—августда уруғи пишади.

У Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона областларининг тоғ ён бағирларидаги нам ерларда, ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, булоқ атрофларида кўплаб учрайди.

Гулпарнинг новда ва барглари баъзи чорва молларига яхши озуқа бўлади. Унинг барра новдаларини пўстидан ажратиб истеъмол этиш мумкин. Баргларида кўк шўрва тайёрлашда фойдаланса бўлади. Бу ўсимликнинг яшил қисми ва пишган мевасида анчагина эфир мойи мавжуддир.

Гулпар турли витаминларга бойдир. Унинг таркибида 0,043 мг% В<sub>1</sub>, 0,117 мг% В<sub>2</sub>, 160 мг% С витаминлари ва 2,8 мг% каротин моддаси бўлади. Бу ўсимликнинг илдиз ва баргларидаги глюкозид ҳамда фурокумарин (бергаптен ва ксантатоксин)дан тайёрланиши мумкин бўлган дори-дармонларни медицинада кенг ишлатса бўлади.

**Ёввойи сабзи (Даукус карота).** Бу соябонгулдошлардан бўлиб, бўйи 150 см келадиган икки йиллик ўсимликдир. Унинг пояси думалоқ, силлиқ, чизиқсимон, ўрта қисмидан бошлаб шохчаланиб, тукчалар билан қопланган бўлади. Ёввойи сабзининг барги чўзиқ тухумсимон, икки бўлакчали, чети қирқилган ёки тишсимон бўлиб, баргининг устки томони туксиз, орқа томони тукли, пастки барглари бандли, юқори барглари бандсиз поя новдаларга ўрнашгандир. Унинг соябони кўп турли, гуллаганда шингилларга бўлиниб, эни 10—12 см га етади. Меваси мевабандидан 2—3 марта қисқа, 3 мм узунликда, ипсимон қиррали бўлади. Ёввойи сабзи май-июнда гуллайди, июлда эса унинг уруғлари пишади. У дарё ва ариқ бўйларида, боғларда, адирларда ҳамда тоғ олди қисмларида учрайди.

Ёввойи сабзи уруғидан буйракдаги тошларни парчалайдиган, гижжани туширадиган ва сурги сифатида ишлатиладиган дори-дармонлар тайёрланади. Бундан

ташқари унинг уруғи сийдик ҳайдаш хоссасига ҳам эгадир.

Бу ўсимликнинг уруғи, пояси ҳамда илдизи хушбўй ҳидли бўлгани учун балиқли таомлар тайёрлашда; бод-ринг, карам, помидор, тарвузларни тузлашда; олма, шафтолиларни мариноват қилишда; ароқ, ликёр ишлаб чиқаришда фойдаланилса бўлади. Парфюмерия маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кенг қўллаш мумкин.

Еввойи сабзи уруғи таркибида 18% ёғ, 21% протейн, 7,59% эфир мойи бор. У витаминларга жуда бойдир. 15—62 мг% провитамин, А, В, В<sub>1</sub>, К ва 1,5—11 мг% С витаминлари ҳамда 3—17,6 мг% каротин моддаси бўлади.

**Қариқиз (Арктиум леоспермум).** Бир йиллик, бўйи 150 (175) см келадиган, пояси тик ва қиррали, ўтроқ тукчали, сербаргли, юқори қисми шохланган, уларнинг учида бир қанча саватчалар умумий шингилсимон тўпгулларга йиғилган мураккабгулдошларнинг вакиллари-ридан биридир. Илдиз олди барглари жуда йирик, тухумсимон, асоси юраксимон бўлади. Пояга ўриашган барглари катта, бандли, устки томони яшил рангли, туксиз, баъзан қисқа тукли, орқа томони оч яшил рангли, чалкаш тукли, чети майда тишсимондир. Саватчаси туксиз, диаметри 3 см бўлади. Одам ва ҳайвонларга ёпишади. Қариқиз июнь — августда гуллайди ва июль — сентябрда уруғи пишади.

Бу ўсимлик суғориладиган ерларда, воҳаларда, йўл атрофларида ўсади.

Қариқизнинг барра поя ва новдаларини, пўстини арчиб пишириб истеъмол қилиш мумкин. У жуда тамли ва мазалидир. Унинг илдизини сабзавотлар сингари овқатларга солиб ейиш мумкин. Қуритилган илдизидан ун тайёрлаб бугдой ёки арпа унига аралаштириб нон ёпса бўлади. Шунингдек, ундан кофе тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Бу ўсимликдан тайёрланган қиём сийдик ҳайдаш ва терлаш хусусиятини мужассамлаштиради. Барг шираси билан яралар даволанади. Уруғи сурги сифатида ҳамда чипқон ва говмиччага қарши ишлатилади.

Чехословакияда қариқиздан галенли дори-дармон тайёрлаб, йиринглаган яра ва экземани даволашда ҳамда сочни мустаҳкамлаш ва ўстириш учун фойдаланилади.

Қариқиз илдизининг таркибида 35—40% инулин ва танид ҳамда аччиқ моддалар бўлади. Унинг танасида эса танид моддаси, пигмент, каротин, оз миқдорда эфир мойи ҳамда А ва 17—94 мг% С витаминлари бор. Уруғи ёғ ва оқсил моддаларига бойдир.

**Чаканда (Хиплофия рамноидес).** Жийдадошларга кирувчи, унча катта бўлмаган дарахт ёки бута, баландлиги 2—5 м га етади. Шохланган шохчалари қисқа, сертиканлидир. Барги қалами, наштарсимон, асоси понасимон сиқик, узунлиги 2—9 см, эни 3—15 мм, устки томони оч яшил, орқа томони кумушсимон оқ ранглидир. Гуллари бир вақтда барги билан чиқиб ривожланали ҳамда тўп бўлиб шохчаларда ўрнашади. Чаканданинг меваси сершира, тўқ сариқ, апельсин рангли, ананас мазали, шарсимон ёки тухумсимон шаклда бўлади.

Чаканда май ойида гуллайди ва август — сентябрда меваси пишади. У тўқайзорда, дарё соҳилларида тарқалгандир.

Бу ўсимлик витаминга жуда бойдир. Халқ медицинасида тиш тушиш ҳамда қон босимини даволашда кенг ишлатилади. Барг ва меваларидан тайёрланган шарбат дизентерияни даволайди.

Чаканда баргининг таркибида 230—262 мг% С витамини, танид, бўёқ моддалари, мевасида 0,096 мг% В<sub>1</sub>, 0,356 мг% В<sub>2</sub>, 0,375 мг% РР, 0,67 мг% Е, 172—900 мг% С витаминлари, провитамин Р, олма кислотаси, флавоноли глюкозид, ксантофилл, 4—7% оқсил, ёғ, нордон моддалар ва минерал тузлар бордир. Унинг мевасини шундайлигича истеъмол қилса ёки қиём, консерва тайёрласа, кисель, вино ҳамда алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда ва витаминли сувлар тайёрлашда фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

**Жийда (Елаеагнус ангустифолия).** Жийдадошларга мансуб, баландлиги 8 м келадиган, пўстлоғи қўнғир қизил рангли дарахтдир. Еш новда ва барглари кумушсимон, оқ киприксимон қипиқчалар билан қопланган бўлади. Барги наштар ёки эллипссимон, наштар шаклида қисқа учли, узунлиги 3,5—7 см ва эни 0,7—1,8 см, банди 1,2 см гача бўлади. Гули хушбўй ҳидли, гулбандли барг қўлтигида 1—3 тадан бўлиб жойлашган. Гулқўрғонининг ташқи кўриниши кумушсимон оқ, серқипиқчали, чет томони деярли туксиз ва сариқ ранглидир. Чангчиси жуда қисқа ипсимон ва чўзиқ чангдондан иборат. Данак

меваси юмалоқ тухумсимон, катталиги 1 см, эни 0,7 см яввал қипиқли, етишганида туксиз, сариқ ранглидир. Данаги чўзиқ тухумсимон, юзаки чизиқчали, узунлиги 1 см, эни 0,5 см га тенг. Жийда майда гуллаб, меваси сентябрь—октябрь ойларида етишади.

Бу ўсимлик Ўзбекистоннинг барча областларида табиий ҳолда ўсади. У, айниқса тўқайзор ҳамда шўрхок ерларда кўп тарқалган.

Жийда халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эгадир. У манзарали, асал-ширали, озиқ-овқатли ҳамда эфир мойли ўсимликдир. Унинг меваларидан озиқ-овқат таркисида фойдаланиш ва медицинада дори-дармон тайёрлаш мумкин.

Жийданинг баргидан бод ҳамда бел оғриқни, мевасидан ич кетиш касалини даволашда фойдаланилади. Жийданинг барг ҳамда пўстлогидан чой дамлаб ичиш мумкин. Уларнинг таркибида 10% танид моддаси бўлиб, ундан тери ошлаш саноатида фойдаланса бўлади. Жийда ҳосилдорлиги йилларнинг келишига қараб ўзгариб туради. Ҳар бир тупидан 2—20 кг мева йиғиштириш мумкин. Жийданинг мевасидан компот тайёрлаш ва ун қилиш мумкин. Унинг меваси қанд моддасига жуда бойдир. Уларда 50% карбонсувлар, 11% оқсил, 12% клетчатка, танид моддалари ва минерал тузлар бор. Шунингдек, мева таркибида 0,34 мг% В<sub>1</sub>, 0,21 мг% В<sub>2</sub>, 0,069 мг% РР, 93 мг% С, 0,23 мг% Е витаминлари бўлади.

Жийданинг баргларида бўёқ моддалари, 8—12% танид ҳамда 200 мг% С витамини бор.

Тўқайзорларимизда жийда жуда кўп ўсади. Бундан ташқари, у шўрхок ерларда ҳам жуда яхши ўсади ва ҳосил беради. Бу фойдали ўсимликдан ҳар тарафлама фойдаланиш мумкин.

**Хурмо (Диоспирос лотус).** Хурмодошларга оид, баландлиги 15—20 м келадиган шох-шаббали дарахтдир. Шохлари қизғиш қўнғирсимон, новдалари тукчалар билан қопланган бўлади. Барги тухумсимон ёки эллипс-симон, узунлиги 9—15 см, эни 3—5 см, асоси сиқик, учи ўткир, атрофи киприксимон тукчалар билан ўралган. Устки томони сийрак тукчали, тўқ яшил, пастки томони оч яшил рангли, юмшоқ, сертукчалидир.

Косачабарги тухумсимон, ўткир ёки уч қиррали, тукли, чети киприксимон тукчалидир. Гултожи қўнғи-



роқсимон, гулбарглари юқорига—чангчили гулга қараб тарқалган, уруғчи гуллари тўғри чиқади. Меваси олчасимон, дастлаб сариқ, сўнгра қора рангли бўлади.

Хурмо май—июнда гуллаб, октябрь—ноябрда меваси пишади.

Бу ўсимлик табиий ҳолда республикамизнинг жанубий районларида, айниқса, Сурхондарё областининг Сангардак ва Тўпаланг дарё атрофларидаги нами кўп, совуқ шамоллар тегмайдиган сойларида ўсади.

Хурмо тўйимли, ширали ва мазали мевалардан ҳисобланади. Унинг поя ва баргларида турли хил органик моддалар, минерал тузлар мавжуддир. Шунингдек, у ўзида танид моддасини сақлайди.

Хурмо мевасининг таркибида кўп миқдорда қанд моддаси, ксантофилл, 1,04 мг% каротин, 0,175 мг% В<sub>1</sub>, 0,131 мг% В<sub>2</sub>, 0,415 мг% РР, 143 мг% С, 1,15 мг% Е ҳамда А витаминлари, олма кислотаси, танид моддаси ва данагида ёғ бўлади<sup>8</sup>.

Бу ўсимликнинг фойдали хусусиятларини эътиборга олиб, уни жанубий районларимизда кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

**Қизилчетан (Сорбус тианшаника).** Унча катта бўлмаган, бўйи 5 м келадиган дарахт бўлиб, раъногулдошларнинг вакилларида ҳисобланади. Барра новдалари сийрак тукли, йиллик новдаси яшилсимон ёки қизил қўнғирсимон бўлади. Куртаклари йирик, узунлиги 15 мм, ўткир, туксиз, баъзан туклидир. Енбаргчалари наштасимон, қалами ўткир учли, тушиб кетувчи бўлади. Баргининг узунлиги 10—22 мм, деярли 6 жуфт, айрим ҳолларда 8 жуфт баргбанди туклидир. Косача барги 3 қиррали, гултожининг диаметри 2 см, чангчилари қисқа. Меваси кўндалангига 12 мм, аввал сариқсимон қизил, сўнгра тўқ қизил ранглидир.

Қизилчетан июнда гуллайди ва меваси сентябрнинг ўрталарида пишади.

У намлиги етарли ва ҳосилдор тупроқли жойлардаги дарахт ва бутазорлар орасида, яъни тоғ зонасидан то яйловгача бўлган ерларда учрайди.

Бу ўсимликнинг ташқи кўриниши айниқса куз фаслида жуда чиройли бўлади. Қизилчетан фитонцидлик

<sup>8</sup> Т. Кезели, Витамины в растениях Грузии, Тбилиси, Изд-во «Мециереба», 1966, стр. 24.

хусусиятига эга. Чунки, унинг баргидаги учувчи моддалар ҳар хил микробларни ўлдириш қобилиятига эгадир.

Қизилчетаннинг меваси нордон бўлиб, совуқ урганидан сўнг бир оз мазалироқ бўлади. Ундан мураббо, компот ва сирка тайёрлаш мумкин. Қуритилган мева ҳамда шарбатилан сийдик ҳайдовчи ва ошқозон ишини яхшиловчи юқори сифатли дори тайёрланилса бўлади.

Болгария халқ табобатида бод касалини, буйрак тошини ва авитаминоз касалликларини қизилчетан билан даволайдилар.

Қизилчетаннинг пишган меваси олма, янтар, вино ва сорбин кислоталарига бойдир. Шунингдек, унда қанд, танид ва бўёқ моддалари, эфир мойи, глюкозид амигдалин, пектин моддаси ҳамда 40—50 мг% А, 250 мг% С, В, Р витаминлари ва каротиноидли аралашмалар бўлади.

**Наъматак (Роза).** Республикамиз ўсимликлари оламида наъматакларнинг 13 тури тарқалган. Уларнинг ҳаммаси буталардан иборат бўлиб, раъногулдошларнинг вакилларидан ҳисобланади.

Наъматакнинг деярли барча тури асосий витаминли ўсимликлар группасига киради. Уларнинг мевалари ҳар хил витаминларга, айниқса С витаминига жуда бойдир<sup>9</sup>. Витаминларининг сифати ҳамда миқдори, наъматакларнинг ўсиш шароитига ва меваларининг етилиш даражасига қараб ўзгариб туради.

Наъматак турларининг ичида ҳар тарафлама тўлиқ ўрганилганларидан Итбурун (Роза канина) ҳамда Федченко наъматагидир.

**Федченко наъматаги (Роза Федченкоана).** У яхши тараққий этган, баландлиги 3—6 м келадиган, бир қанча йўғон пояларга эга бўлган, тик ўсувчи ва шох-шаббалари тарвақайлаган ўсимликдир.

Шохларининг пўстлоғи қўнғир рангли, новдалари яшил ёки яшилсимон оч жигар ранглидир. Наъматакнинг шохлари сертиканли, тиканлари эса қаттиқ, йирик, 10—13 мм катталиқда, ён томонга қарагандир. Барглари 5—9 та, бир оз дағал, устки томони кўк яшил, орқа томони оч яшил рангли. Улар тухумсимон, узунчоқроқ ёки

---

<sup>9</sup> И. Выходцев, Е. Никитина, Дикорастущие витаминноносные растения Киргизии, Фрунзе. Изд-во Киргизского филиала АН СССР, 1947.

деярли юмалоқ, узунлиги 10—30 мм, эни 8—20 мм га тенг. Ҳар иккала томони ҳам кам тукли ёки бутунлай туксиздир. Барг ўқлари сертук, баъзан туксиз, атрофи арра тишсимондир. Гултожи оқ ёки пушти рангли, диаметри 5—9 см га тенг. Гултаги тўқ қизил, этдор, тухумсимон, диаметри 2—3 см бўлади. У қаттиқ тукчасимон безлар билан қопланган тукли ёки туксиздир. Меваси йирик, узунлиги 5 см, узунчоқроқ, айрим ҳолларда думалоқ бўлади.

Наъматак июнь — августларда гуллайди ва июль — сентябрь ойларида меваси пишади. У очиқ майдонларда, тошли жойларда, қуриб қолган дарё ўзанларида, арчазорларда ҳамда тоғ ён бағирларидаги жойларда тарқалгандир. Наъматак, айниқса областларимизнинг тоғли районларида кўп учрайди.

Наъматак меваси ёрдамида авитаминоз касалликлари даволанади. У яна зотилжамга қарши ҳам ишлатилади. Мевасидан чой дамлаб ичилса, одамни кайфиятини яхшилайдди. У витаминларга бой бўлганлиги сабабли, табиий поливитаминли дори-дармонлар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Наъматак мевасида 1500—1800 мг% С, 8—14% қанд, 3% танид, 8—10% пектинли моддалар, 15—18 мг% каротин, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР, К, Е витаминлари ҳамда А провитамини мавжуддир. Шунингдек, лимон ва олма кислота-лари, оз миқдорда эфир мойи, флавонолар бўлади.

**Ёввойи олма (Малус сиеверсии).** Раъногулдошларга кирувчи, баландлиги 10 м га етадиган, шох-шаббалари пирамидасимон бўлган, пўстлоғи оч кул ранг, тўқ жигар ранг ёки сариқ қўнғирсимон рангли дарахтдир. Барра новдалари яшилсимон жигар рангли, тукчали бўлади. Узун новдаларидаги барглари чўзиқ тескари тухумсимон, уч томони торайган, ўткирдир. Барг чети арра тишсимон, баъзан тўқмоқ тишли, асоси понасимон торайган, устки томони туксиз, марказий томирчаларининг пастки қисми бир оз тукли, кул ранг, узунлиги 5—7 см, эни 2—3,5 см га тенгдир. Тўпгули 3—5 гулли, гули йирик, диаметри 2,5—4 см, гулбанди чалкаш тукли, косачабарги наштарсимон ёки уч қиррали наштарсимон, узунлиги 0,5—0,6 см, эни 0,3 см, оқ чалкаш тукчалар билан қопланган. Гултожи оч қизил рангли. Меваси юмалоқ ясси, айрим пайтларда конуссимон, турли хил рангли ва кат-

талиқда бўлади. Уруғи тухумсимон, жигар рангли, катталиги 0,7 см, эни 0,5 см келади.

Еввойи олма апрель—май ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда пишади.

Бу ўсимлик тоғ ён бағирликларида кўплаб учрайди.

Еввойи олма мевасидан пюре, повидло, мураббо, консерва, қоқи тайёрланади. Бундан ташқари, компот, лимонадлар ишлаб чиқаришда ундан фойдаланилади. Еввойи олма ўзининг мазаси, таъми, таркибидаги моддаларининг миқдори, ҳазм бўлиши билан маданий олмадан қолишмайди.

Еввойи олма мевасининг таркибида, 10—13% қанд, 3,18% пектин, 0,3—0,5% азотли моддалар, бўёқ, темир моддаси, оз миқдорда эфир мойи ҳамда В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР, С, Е витаминлари ва каротин моддаси мавжуддир.

**Тоғолча (Прунис согдиана).** Раъногулдошларга кирувчи, дарахт ёки буталардан иборат бўлиб, баландлиги 2—6 м келадиган, тиканли ёш новдалари туксиз, жигаррангсимон қизилдир. Ўсувчи новдалардаги барглари кичик ёки йирик, катталиги 4,5—5 см, эни 1,8—2,1 см, тор эллипссимон, асоси тор понасимон, туксиз ўткир тишли, баъзан тишлари барг қирғоғига қараб қайрилган бўлади. Гулларининг диаметри 2 см гача, меваларининг катталиги 1—2 см, турли хил шаклли ва ранглидир. Данаги 0,9—1 см узунликда, овал ёки тухумсимон шикли, баъзан буришган бўлади. У март—апрель ойларида гуллайди, меваси июнь—июлларда пишади.

Тоғолча Тошкент ва Сурхондарё областларининг тоғли районларининг дарё соҳилларида, нами етарли жойларда, сойларда, шимолий ён бағирларда, баъзан тошли ерларда учрайди. Умуман бу ўсимлик денгиз сатҳидан 800—2000 м баланликдаги жойларда тарқалгандир.

Тоғолча мевасидан турли мақсадлар учун фойдаланилади. Ундан мураббо, компот, консерва тайёрланади. Меваси хўллигича ва қуритилган ҳолда истеъмол қилинади ҳамда турли хил овқатларга солиб ейилади.

Тоғолча мевасининг таркибида 5—10% қанд, пектин, танид моддалари, лимон ва олма кислоталари, минерал тузлар, В<sub>1</sub>, С витаминлари ҳамда каротин бўлади.

**Дўлана (Кратаегус понтика).** Бу ўсимлик шох-шаббали, тикансиз, баландлиги 10 м ча бўладиган раъногулдошларнинг мевали вакилларида ҳисобланади. Барги

кўк яшил, устки ва орқа томони сийрак тукчали, йирик барглари туксиздир. Баргининг бўйи ва эни деярли бир хил катталиқда. Баргбанди япроғидан 3—6 марта кичикроқ, ромб ёки тескари тухумсимон, асоси кенг понасимон, 5 баъзан 7га бўлинган бўлади. Тўпгули зич, диаметри 3—5 см, тукчалари чалкашиб кетгандир. Унинг косачабарги уч қиррали, гултожининг диаметри 2 см. Дўлананинг меваси йирик, диаметри 3 см гача, сариқ ёки тўқ сариқ рангли, учи ва мева банди томони бир оз ялпайган, 2—3 данакчали, ён томони силлиқдир.

Дўлана июнда гуллайди ва сентябрда меваси фарқ бўлиб пишади. У тошли ҳамда қуруқ жойларда, баъзан майда шағалли қояликларда, якка-якка, тўп-тўп ва айрим ҳолларда дўланазорларни ташкил этади.

Дўлана жуда мазали мева бўлиб ундан дизентерияни даволашда фойдаланилади. Чехославакия медицинасида дўлананинг баъзи турлари жуда қадрланади. Улар қон босимини даволайдиган дори-дармон сифатида ишлатилади.

Дўлана данагида 6—10% ёғ, оқсил, мевасида 15—20% қанд, танид ва кверцитен моддалари, кратегус ҳамда олма кислоталари бўлади. Шунингдек, 0,036 мг% В<sub>1</sub>, 0,075 мг% В<sub>2</sub>, 0,128 мг% РР, 45,3 мг% С, 0,27 мг% Е витаминлари ҳамда 4,07 мг% каротин бўлади.

**Ковар (Каппарис спиноза).** Бу ковардошларга оид, кўп йиллик ётиб ўсувчи, бўйи 2,5 м га етадиган, пояси юмалоқ, чизиқли, туксиз ёки сариқ оқ тукчалар билан қопланган бўлади. Барги яшил, юмалоқ, тескари тухумсимон, узунлиги 5—6 см туксиз, баъзан кам тукли, қисқа баргбандлидир.

Ковар ён баргчаларининг катталиги 4—7 мм, сариқ рангли, бир оз эгилган тикандир. Гули барг қўлтигида ўрнашиб, 5—8 см катталиқда оқ рангли бўлади. Унинг меваси тескари тухумсимон ёки узунчоқ тухумсимон, бўйи 2—4,5 см, эни 1,5—3 см келади. Уруғи буйраксимон, қўнғир рангли, 3—3,5 мм бўлади.

Ковар май — июнь ойларида гуллайди, меваси июль—августларда пишади.

Ковар бегона ўтлардан ҳисобланиб, йўл четларида, темир йўл атрофларида, дарё қирғоқларидаги жарликларда, эски томларда, лалмикор майдонларда учрайди. У Сирдарё областининг Зомин ва Жиззах районларининг чўл, адир ва тоғ зонасининг пастки қисмларида,

Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа областларнинг кўпгина ерларида ўсади.

Республикамизнинг баъзи районларида коварнинг мевасини полиз экинлари сингари кўплаб истеъмол қиладилар. Унинг гунча ва меваларини ҳамда энди кўкариб чиққан новдаларини зиравор сифатида ишлатилса бўлади. Коварнинг уруғидан ёғ олиш мумкин. Маҳаллий аҳоли ковар меваси билан турли касалликларни, жумладан милк ва тиш оғриқларини даволайдилар.

Ковар меваси таркибида глюкозид, 12% қанд моддаси, пектин кислотаси, аччиқ модда, минерал тузлар ҳамда кўп миқдорда, яъни 56 мг% С витамини, пр витамин Р, данагида эса 36% ёғ бўлади. Унинг илдизида каппаридин алкалоиди бор.

**Итузум (Соланум нигрум).** Итузумдошлардан бўлиб, бир йиллик, пояси тик, айрим ҳолларда ётиб ўсувчи, асосидан бошлаб новдаланган, туксиз, поясининг уч томони бир оз тукчали, пастки қисми ва новдалари цилиндрсимон, юқори қисми ялпайганроқ цилиндрсимон, баландлиги 75 см гача келадиган ўтдир. Барги тўқ яшил, узунчоқ тухумсимон шаклда, ўртасидан учига қараб сиқилиб борувчи, чети тишсимон қирқилган, баъзан бутун, узунлиги 3—7 см, эни 2—4 см бўлиб, тукли ёки айрим вақтларда бир оз туклидир. Гултожи оқ рангли, 6—7 мм катталиқда, тухумсимон наштар шаклда, ташқи томони қисқа тукчалар билан қопланган. Уруғи сариқ рангли, буйраксимон бўлади.

Итузум июнь — июлда гуллайди, июль — сентябрда меваси пишади.

У бегона ўт бўлиб, боғларда, полиз экинлари экилдиган майдонларда, дарё бўйларида, пахта экилган ерларда кўп тарқалгандир.

С. Саҳобиддинов маълумотларига қараганда, итузум Урта Осиё халқларининг доривор ўсимликларидан бири бўлиб, унинг барги яраларни даволашда, бош оғриқни қолдиришда, баргининг шарбати эса жароҳатланган бурун ва оғриган қулоқни даволашда ишлатилган. Унинг меваси кўриш қобилиятини яхшилайди.

Итузум Болгария халқ табobatiда асаб касалликларини, қуёнчиқни, бош оғриқни ҳамда чипқонни даволашда қўлланилади.

Бу ўсимликнинг яхши пишган меваларини одамлар кўплаб истеъмол қиладилар. Итузум меваси таркибида

салонин алкалоиди, сапонин, қанд, пектин, 7—10% та-  
нид моддалари бўлади. Итузумнинг пишган меваси вита-  
минларга жуда бой бўлади. У 85 мг% А ва 1630 мг%  
С витаминларини сақлайди<sup>10</sup>. Бу ўсимликлардаги С ви-  
таминининг миқдори катта баргли қорақатга нисбатан  
3—4 мартаба зиёдрокдир.

**Қўға (Тифа латифолия).** Бу ўсимлик тўзғоқдошларга  
мансуб, баландлиги 180 см га етадиган кўп йиллик ўт.  
Барги ярим цилиндрсимон, уч томони деярли ясси, эни  
4,5—10 мм, чангчи ва уруғчи тўпгуллари бир-биридан  
3—8 см узоқликда туради. Чангчи тўпгулларининг узун-  
лиги 35—40 см, эни 0,9—1,2 см га тенг. Уруғчилари етиш-  
ганида, эни 0,8—2 см бўладиган, тор цилиндрсимон, тўқ  
қўнғир ранглидир.

У июнь — август ойларида гуллайди ҳамда уруғи пи-  
шади.

Қўға ботқоқлик жойларда, тўқайзорларда, кўлларда,  
дарё қирғоқларида учрайди.

Қўғанинг крахмалга бой илдизпоясидан тайёрланган  
ундан ҳар хил таомлар пиширишда фойдаланиш мумкин.  
Унинг тўпгуллари ёрдамида ҳар хил йирингли яралар  
даволанади.

Бу ўсимликнинг илдизпоясида 7% клетчатка, 54%  
крахмал, 11,5% қанд, кўп миқдорда минерал тузлар бор.  
Баргида 210 мг%, ёш поясида 100 мг% С витамини бў-  
лади.

**Тароқбош (Бромус дантониае).** Бир йиллик, баланд-  
лиги 40—60 см келадиган, бошоқдошларнинг вакиллари-  
дан ҳисобланади. Унинг пояси тик ёки бўғинларга бўли-  
ниб ўсувчи, туксиз ёки тукли бўлади. Барг банди тукчали,  
баъзан тукчасиздир. Барг тилчаси 3 см узунликда, ке-  
сиксимондир. Барги қалами ясси, қисқа тукчали. Рў-  
ваки сиқик, катталиги 10 см келади, новдачалари ғадир-  
будир, туклидир. Бошоғи узунчоқ наштарсимон, 6—10 та  
гулли, 4 см гача узунликда, ўткир қиррали бўлади.

Тароқбош май ойида гуллайди ва июлда уруғи ети-  
шади. Бу ўсимлик адир ва тоғ зоналарининг ўрта минта-  
қасигача бўлган қуруқ ва тоғ ён бағирларида кўплаб  
тарқалган бўлади.

Тароқбош қорамоллар ҳамда қўй-эчкилар учун  
яхши ем-хашак ҳисобланади. Унинг тана қисмида ҳар

<sup>10</sup> А. Грессгейт, Растительные ресурсы Кавказа, Баку,  
Изд-во Ан Азерб. ССР, 1946, стр. 254.

хил органик моддалар ва минерал тузлар бор. У гуллаш даврида ўзида 175 мг% С витаминини сақлайди.

**Қўнғирбош (Поа булбоза).** Бу бошоқдошларга оид, кўп йиллик, сершоҳ пояли, тик ўсувчи, силлиқ ва туқсиз, бўйи 50 см гача етадиган ўсимликдир. Барги қалами, бир оз ўралганроқ, туқсиз, атрофи ғадир-будурдир. Қўнғирбош рўвакиннинг узунлиги 6 см га етиб, тўп жойлашади. Унинг новдаси ғадир-будур, бошоқчаларида 4—7 та гули бўлади.

У апрель ойида гуллайди ва июлда уруғи пишади.

Қўнғирбош республикамиз областларининг барча районларининг чўл, адир ва тоғ зоналарида кенг тарқалган. У чорва моллари учун юқори сифатли ем-хашак ўсимликларидан биридир. Баъзи маълумотларга қараганда ёғингарчилик етарли бўлган йиллари, унинг ҳар гектаридан 400 кг хашак олиш мумкин. Бу ўсимлик таркиби ҳар хил органик моддалар ва минерал тузларга бой бўлиб, 9% протеин, 1,5% ёғ, 35—40% клетчатка моддалари ҳамда баргида ўсиш шароитига, ривожланиш даврига қараб 88—330 мг% С витамини бўлади.

**Отқўноқ (Флеум флеоидес).** Бу кўп йиллик ўсимликнинг пояси асосидан серновда ва силлиқ бўлиб, бўйи 50—100 см келадиган, бошоқдошларнинг вакилларида ҳисобланади. Барг нави силлиқ ва туқсиз. Барг тилчаси қисқа, ўтмас, барги кўк яшил поясининг эни 4 мм бўлган, чети ўткир ғадир-будур бўлиб, бошоқчалари узунчоқ тухумсимон, катталиги 3 мм га тенгдир.

Отқўноқ май ойида гуллайди, июлда уруғи пишади.

Бу ўсимлик кўпинча адир ва тоғ зонасининг ўрта қисмигача бўлган қуруқ ён бағирларда учрайди. У чорва моллари учун ем-хашакдир. Отқўноқ танасининг таркибида 2,6% ёғ, 8% протеин, 32% клетчатка ҳамда С, В<sub>1</sub> ва В<sub>2</sub> витаминлари бўлади.

**Ранг (Карекс пахистилис).** Бу ўсимлик бўйи 30 см келадиган, ажириқсимон илдизпояли, хлолдошларнинг вакилларида биридир. Унинг пояси аниқ кўринмайдиган уч қиррали, силлиқ, асоси қора қўнғир рангли бўлади. Барглари юмшоқ, ясси ёки ўралган, эни 1—2 мм, бир озгина бурма ва ғадир-будурроқдир. Бошоқчалари уч қиррали тухумсимон бошоқдан иборат.

Ранг апрелда гуллайди, июнда уруғлайди.

У чўл, адир ва тоғ зоналарида кўп тарқалгандир. Ранг эрта баҳорда кўкариб чиқиб, чорва моллари учун



яхши ем-хашак ўсимликлардан ҳисобланади. Усиш шароитига, ривожланиш даврига қараб, унинг танасининг таркибида 46% азотсиз экстрактив моддалар ҳамда 125—142 мг% С витамини бордир.

**Қамиш (Прагмитес коммунис).** Бу кўп йиллик, илдизпояли, ўсиш шароитига қараб, бўйи 2—4 м гача етадиган бошоқдошларнинг вакилларидан биридир. Унинг пояси тик, туксиз, силлиқ ва ичи бўш бўлади. Барг банди текис, баргининг эни 5 см. Тўпгуллари рўваксимон, узунлиги 50 см бўлиб, пастки бўғинлари туклидир. Бошоқчаларининг узунлиги 9—15 мм га тенг.

Қамиш июль — октябрда гуллайди ва уруғлайди. У ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, кўл атрофларида ҳамда тўқайзорларда кўп тарқалган. Баъзан тоғнинг ўрта минтақасида ҳам учрайди.

Ўзбекистонда қамишзорлар Зарафшон, Сирдарё ва Амурдарё воҳаларида учрайди. Тўқайзорларда ўсадиган қамишзорларнинг ҳар гектаридан ўртача 10—15 тонна, баъзан 50—100 тонна ҳосил олиш мумкин.

Т. Таубаевнинг маълумотларига қараганда, Ўзбекистондаги қамишзорларнинг майдони 1 миллион гектардан ортиқ<sup>11</sup>. Улардан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Қамиш қорамоллар учун баҳор фаслида яхши озуқа ўсимликларидан ҳисобланади. Ез пайтида ҳайвонлар уларнинг баргини ейди. Бу ўсимликлардан юқори сифатли силослар тайёрлаш мумкин.

Қамиш органик моддаларга ва минерал тузларга жуда бойдир. Усиш шароити ва ривожланиш даврларига қараб, унинг таркибидаги С ва А витаминларининг миқдори ўзгариб туради. Баҳорда бу ўсимлик таркибида 500 мг%, кузда эса 100 мг% С витамини бўлади.

Қамиш С витаминини олишдаги манбалардан бири бўлиб ҳисобланади.

**Чиройли торон (Полигонум нитенс).** Бу торондошларга оид, бўйи 65 см бўлган илдизпояли, кўп йиллик ўт ўсимлиқдир. У Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё областларининг тоғли районларида, денгиз сатҳидан 1800—3000 м баландликдаги жойларда ўсади.

<sup>11</sup> Т. Таубаев, В кн: Полезные дикорастущие растения Узбекистана, Ташкент, Изд-во «Фан», 1968, стр. 86.

Чиройли торон июнь — июлда гуллаб, августда уруғлари пишади. Бу ўсимликнинг илдизпоясидан қадимдан фойдаланиб келганлар. У ярани даволайдиган ва қонни тўхтатадиган хусусиятга эгадир. Дизентерияни даволашда ишлатилади.

Бу ўсимлик илдизпояларининг таркибида 13—21% танид моддаси, галлотанин, галло кислотаси, крахмал, оқсил, қанд моддалари ҳамда 10 мг% С витамини бордир. Баргида эса бўёқ ва пектинли моддалар ҳамда 150 мг% С витамини бўлади.

**Қатранғи (Селтис кауказика).** Бу қайрағочдошларга кирувчи бўйи 25 м келадиган шох-шабали дарахт. Шохлари қўнғир ёки қизғиш қўнғирсимондир. Барг банди 5—7 мм узунликда ва туксиздир. Қатранғи япроғининг узунлиги 3—7 см, эни 2—3 см, тухумсимон, ўткирлашган чети тишсимон, асоси понасимон, устки томони туксиз, орқа томони тукли бўлади. Унинг гуллари туксиз гулбандида ўрнашган, катталиги 1—2 см. Меваси думалоқ, тўқ сариқ ранглидир. Данаги буришганроқ бўлади.

Қатранғи апрелда гуллайди ва сентябрда меваси пишади. Бу ўсимлик адир ва тоғ зонасининг ўрта қисмидаги тошли жойларда, шағалли ерларда учрайди. У айниқса, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг тоғли районларида кўп тарқалган.

Қатранғини озиқ-овқатга қўшиб ишлатса бўлади.

Қатранғининг меваси ширин бўлиб, уни қуритилганидаги ундан буғдой ва арпа унларига аралаштириб, нон ёпиш, печенье тайёрлаш мумкин.

Қатранғи меваси ўзида кўп миқдорда қанд, крахмал, органик кислоталар ва А, В, С витаминларини сақлайди, данагида эса оқсил ва ёғ бўлади.

**Ерчой (Геум коканикум).** Бу ўсимлик кўп йиллик, ўрмаловчи йўғон илдизпояли бўлиб, поясининг баландлиги 70 см келиб, қисқа ва узун тукчалар билан қопланган, раъногулдошларнинг вакилларида биридир. Унинг илдиз олди барглари узун бандли, лирасимон бир оз ўйилган, патсимон бўлингандир. Шакли тескари тухумсимон, ён бўлмалари ўткир, уларнинг сони 1—3 жуфт, йирик икки баравар катталиқдаги тишсимон бўлади. Охирги ва иккита ён бўлинмалари, бошқаларига нисбатан каттароқдир. Поя барглари қисқа бандли, асосигача уч бўлакка қирқилган, ўткир бўлакли. Гулининг диа-

метри 1,5 см, тик турадиган узун ва ингичка гулбандли бўлади. Гултожи оч сариқ, тескари тухумсимон ёки эллипссимон, тарвақайлаган. Уруғи тескари тухумсимон, бир-бирига ўтиб кетган ва қайрилган туклар билан қопланган.

Ерчой май ойида гуллаб, июнь — июлда уруғи етишади.

Бу ўсимлик боғларда, йўл атрофларида, дарё қирғоқларида тарқалган. Ерчой Тошкент областининг тоғли районларида кўпроқ учрайди.

Ерчой дори-дармонлик хусусиятига ҳам эга. Ундан тайёрланган қиём ва шарбат ёрдамида дизентерия касалини даволаш мумкин.

Ерчойнинг таркибида ҳар хил органик бирикмалар ва минерал тузлар кўпдир. 10—25% танид моддаси, смола, глюкозид, оз миқдорда эфир мойи (0,03—0,08%), шунингдек унинг баргида 137 мг% А, 117 мг% С витамини бўлади.

**Анжир (Фигус карика).** Дарахтсимон бута бўлиб, баландлиги 4—10 м гача келадиган тутдошларнинг вакилларидан ҳисобланади. Унинг шох-шаббалари оч кулранг, барра новдачалари тук билан қопланган. Анжирнинг куртаги қисқа, думалоқ бўлиб, баргбандининг узунлиги 3—5 см га тенг, дағал тукчалидир. Барги думалоқ тухумсимон, асоси бир оз сиқик, учи ўтмас ёки ўткирроқ, панжасимон беш бўлакли. Бўлаклари тухумсимон ёки узунчоқ, устки томони яшил, остки қисми эса оч яшил рангли, барглари қисқа дағал тукчалар билан қопланган. Баргининг узунлиги 8—20 см, эни 6—15 см бўлади. Тўпмеваси пишганда сариқ ёки қизилсимон қорароқ тусга киради.

Анжир апрель ойида гуллаб, июль — август ойларида тўпмевалари пишади.

Анжир маданий ҳолда кўп ўстириладиган ўсимликлардан биридир. Лекин у ёввойи ҳолда Сурхондарё областининг Сангардак дарёсининг чап қирғоғида ҳамда Қиштут дарёсининг ўнг соҳилида денгиз сатҳидан 900—1700 (1800) м баландликдаги жойларда учрайди.

Анжирнинг сутсимон шираси кал, сўғал, темирлатки ҳамда юздаги сизлоғичларни даволашда ишлатилади.

Анжир юқори калорияли жуда сифатли ва тўйимли мевали ўсимликлар қаторидан жой олади. Унинг тўпмеваларининг таркибида кўп миқдорда фруктоза ва

глюкоза, минерал тузлар, фицин моддаси, лимон, олма ҳамда сирка кислоталари, А, В, В<sub>1</sub> ва С витаминлари бўлади. Анжир баргининг таркибида май ойида 59—183 мг%, июлда 333 мг% ва октябрь ойида 123 мг% С витамини бўлади.

**Санчиқўт (Таликтрум минус).** Бу ўсимлик айниқтовондошларга кирувчи, кўп йиллик, пояси сербаргли, туксиз, силлиқ, тик ёки бўғинидан эгилган бўлади. Барги бандли, поянинг уч томонида жойлашганлари ўтроқ, кенг уч қиррали, 3—4 патсимон бир оз қирқилгандир. Гуллари тухумсимон ёки пирамидасимон рўвак, ранги қизилроқ, кўп сонли, узун гул бандли, эгилган, баъзан тик бўлади. Гулқўрғон баргчалари тухумсимон, узунлиги 3—4 мм ва эни 1,5—2 мм чангчиларининг узунлиги 7—8 мм, қалам шаклида, чангдони эса ўткир ва ингичка ипсимон. Унинг тугунчалари 3—4 та, уруғи тухумсимон, узунлиги 4 мм, эни 2 мм, қирраси бир оз қийшайганроқ.

Санчиқўт июнь—июль ойларида гуллайди ва уруғи июль — августларда пишади.

Бу ўсимлик воҳаларда, дарё қирғоқларида, тоғ зонасининг ўрта қисмигача бўлган жойларда тарқалгандир. Санчиқўтдан тайёрланган шарбат ёки қиём билан биқин ва кўкрак огриқ касалликларини даволаш мумкин. У турли хил кимёвий моддаларга бойдир. Унинг баргида айниқса С витамини (227%) кўп бўлади.

**Чилонжийда (Зизифус юбба).** Жумрутдошларга оид, унча катта бўлмаган, баландлиги 2—3 (5) м га етадиган дарахт. Унинг ёш новдалари тукли, эски новдалари туксиздир. Барги бандли, чўзиқ тухумсимон, уч томони бир оз чўзилганроқ, чети тўмтоқ тишли, устки қисми туксиз, пастки томон томирчаларининг усти бир оз тукли бўлади. Гулининг диаметри 3—4 мм, гулбанди ҳам 3—4 мм га тенгдир. Косачабарглари тухумсимон, уч қисми ўткирлашган, узунлиги 2 мм, гултожбарглари косачабаргларидан қисқа, асосига қараб торайган. Меваси юмалоқ ёки чўзиқроқ, қизғиш тўқ сариқ рангли бўлади.

У июль — сентябрда гуллайди ва меваси пишади.

Чилонжийда тоғ зонасининг ўрта қисмидаги қўриқ ёнбағирларда ўсади. У айниқса, ёввойи ҳолда Сурхондарё областидаги Сангардак ва Тўпаланг дарё қирғоқларида тарқалгандир.

Ота-боболаримиз чилонжийда мевасининг дори-дармонлик хусусиятини жуда қадимдан билишган. Ундан

турли касалликларни даволашда фойдаланганлар. Қон босимини пасайтиришда ишлатганлар.

Чилонжийданинг меваси ширин ва мазали, уни шундайлигича истеъмол этилади.

Чилонжийда меваси таркибида қанд, крахмал, танид, кверцетин, оз миқдорда сапонин моддалари, ҳар хил ёғ кислоталари ва 400 мг% С витамини бор.

**Айиқмурут (Пирус регели).** Бу ўсимлик — бута, айрим ҳолларда дарахт бўлиб, раъногулдошларнинг вакилларидан ҳисобланади. У шох-шаббали, узун, ингичка тиканли, деярли туксиз бўлиб, новдалари қизғиш қўнғирдир. Барги бандли, патсимон ўйилган, ўткир наштарсимон бўлакли, қирғоғи ўткир аррасимон, туксиз, ялтироқ, пўстли, гулининг диаметри 2—2,5 см. Унинг косачабарги тукли, тиккайган, узун ўткир наштарсимон. Меваси ноксимон ёки юмалоқ, бир оз ясси, яшил-сарик ранглидир.

У апрелда гуллаб, меваси август — сентябрларда пишади.

Айиқмурут тоғ зонасининг пастки ва ўрта қисмларидаги тошли ёнбағирликларда учрайди. У Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг тоғли районларида тарқалган.

Айиқмурутнинг меваси яхши тамли бўлганлиги учун истеъмол қилинади. Унинг меваси фруктоза, глюкоза, олма кислотаси ва С витаминига бойдир. Шунингдек, унда танид, пектин, клетчатка, азотсиз моддалар, уруғида эса ёғ ҳам мавжуддир.

Айиқмурутдан пайвандтағ сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Еввойи пиёз (Аллиум суворови).** Бунинг пиёзи шарсимон бўлиб, 2—3 см катталиқда, кул ранг қобиқли, кўп йиллик пиёзгулдошларнинг вакилларидан биридир. Еввойи пиёз поясининг баландлиги 30—100 см, барглари 2—6 та; чети ғадири-будир, кўк ранглидир.

Еввойи пиёзнинг соябони ярим юмалоқ, баъзан юмалоқ, кўп гулли, гулбанди гулқўрғонидан 2—5 марта узун, асосида ёндош баргчалари бўлмайди. Юлдузсимон гулқўрғон баргчаларининг узунлиги 4 мм, қалами ўтмас, пастга эгилган ва қайтган, бинафша рангли бўлади. Кўсакчалари кенг тухумсимон, эни 5 мм.

У май ойида гуллайди ва уруғи июнь — июлда етишади.

Еввойи пиёз Тошкент, Фарғона, Самарқанд област-рининг тоғ олди қисмидаги яхши тупроқ жойларда тар-қалгандир.

Еввойи пиёз ёқимсиз ҳидли бўлади. Лекин консерва тайёрлаганда бу ҳид йўқолади. Ундан тайёрланган кон-серва, ўзининг сифатлилиги, тўйимлилиги жиҳатидан пиёзи анзур консервасидан қолишмайди.

Еввойи пиёз таркибида ҳар хил органик моддалар, минерал тузлар, фитонцидлар ҳамда кўп миқдорда С витамини бўлади.

**Даштпиёз (Аллиум талассикум).** Бу пиёзгулдош-ларга мансуб, пиёзи 1—5 тадан қисқа илдизпояларга ёпишган, 7—15 мм келадиган пўсти қўнғир рангли бўла-ди. Даштпиёз поясининг баландлиги 75 см бўлиб, унинг учдан бир қисмини силлиқ ёки ғадир-будир барг нави ўраб олган. Унинг барги 3—7 та, ингичка қалам ёки ип-симон, эни 0,5—2 мм, томирчали, томирчалари эса текис эмас. Соябони шар ёки ярим шар шаклида, кўп гулли бўлади. Гулбандлари тенг, гулқўрғонидан 1,5—3 марта узун, асоси ёндош баргчалидир Гулқўрғон баргчалари тухумсимон, оч сариқ рангли, чўзиқ наштарсимон, ўткир, катталиги 3—4 мм. Кўсакчаси гулқўрғонидан бир оз-гина узунроқ.

У июлда гуллайди ва август—сентябрда уруғи пишади.

Даштпиёз тоғ зонасининг ўрта қисмидаги қояли ва тошли ён бағирларда ўсади.

Бу ўсимликни зиравор сифатида истеъмол қилиш мумкин. У тамлилиги, сифатлилиги жиҳатидан юқорида айтилган пиёзлардан қолишмайди.

**Ошанин пиёзи (Аллиум ошанини).** Пиёзи 1—3 тадан илдизпояларига ёпишган, катталиги 2—4 см, тухумси-мон, пўсти қизғиш қўнғир рангли пиёзгулдошларнинг вакилларидан ҳисобланади. Ошанин пиёзининг бўйи 100 см, пояси тараққий этган, ичи бўш, пастки томони бўртиб чиққан, асоси барг нави билан ўралгандир.

Бу пиёзнинг барги 4—5 та, йўғонлиги 4—40 мм, цилиндрсимон, юқори қисми торайган, поясидан 3 марта кичик, кўк рангли бўлади.

Унинг соябони шарсимон, кўп гуллидир. Гулқўрғони-нинг юлдузсимон баргчалари 4—5 мм, қалами чўзиқ ёки чўзиқ наштарсимон, тўмтоқ, оқ, томирчалари эса

яшил ранглидир. Кўсакчаси уч қиррали шарсимон, эни 5 мм.

У май ойида гуллаб, июнда уруғи етишади. Бу пиёз қояларда, тошли ён бағирликларда ўсади.

Ошанин пиёзи кўкариб чиқишидан бошлаб, унинг барг ва пиёзларини хомлигича ёки пишириб истеъмол қилиш мумкин. Уларни турли таомлар тайёрлашда, консервалар ишлаб чиқаришда ишлатса бўлади. Бу пиёз тамлилиги, ҳар хил моддаларга, айниқса, А ва С витаминларига бойлиги ҳамда фитонцидлик хусусияти билан маданий пиёздан қолишмайди.

**Алқорўти (Атаманта макрофилла).** Бу ўсимлик кўп йиллик, бўйи 100—130 см га етадиган соябонгулдошларнинг вакилларида ҳисобланади. Алқорўти кўп пояли бўлиб, пояси ариқчали, тукли, юқори қисми шохлангандир. Барги қалинроқ, чўзиқсимон уч бурчакли, жуфт учга бўлинган, ҳар иккала томонидаги томирчаларининг усти қисқа, майин тукчалар билан қопланган. Соябони новда учларида ўрнашган, узун бандли, 10—20 нурли, нури ингичка, тукчали, узунлиги 2—3 см, соябондаги гуллари эса 20 та, гулбанди ҳар хил катталиқда бўлади.

Алқорўти гултожибаргининг ички томони сертук, тухумсимон, уч қисми эгилган. Меваси тухумсимон, ён томони сиқик, тукли, узунлиги 6 мм, қобирғачалари бўртиб чиққан, ариқчалари тор бўлади.

У июнь — июль ойларида гуллаб, август — сентябрь ойларида уруғи пишади.

Алқорўти республикамизнинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг тоғли районларидаги шағал тошли ёнбағирликларида кўп тарқалган.

Маҳаллий аҳоли алқорўтини жуда қадим замонлардан буён зиявор ўсимлик сифатида истеъмол қилиб келмоқдалар. Алқорўти турли озиқ-овқатларни тайёрлашда ишлатилишидан ташқари сутли ва мойли таомларни 1—3 ҳафта мобайнида ачиб кетишига йўл қўймайди ва хушхўр қилади. Шунингдек, алқорўтининг баргларида қатиқ, сариёғ, пишлоқ, чалоп тайёрлашда ҳамда бодринг, помидор, карам ва тарвузни тузлашда фойдаланилади.

Алқорўтининг танасидан озиқ-овқат саноатида гўшт-

ли, балиқли консервалар ҳамда турли колбасалар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

Алқорўтининг танаси витаминларга, органик моддаларга, минерал тузларга ҳамда эфир мойига жуда бойдир.

**Қизилзирк (Берберис интегеррима).** Бу ўсимлик сершоҳ-шаббали, тиканли, баландлиги 4 м, бута шаклидаги зиркдошларнинг вакилларидан биридир. Қизилзиркнинг барги пўстли, тескари тухумсимон ёки чўзиқ, катталиги 4—5 см, эни 1,3—1,8 см, қисқа бандли, соя жойда бўлган барглари йирик, ўткир тишли.

Қизилзиркнинг гуллари узун шингилчаларда 12—20 тадан ўрнашган. Косачабарглари ва гултожбарглари бир хил, тескари тухумсимон. Меваси 7—8 мм катталиқда, тескари тухумсимон ёки чўзиқроқ, қизил рангли, пишганида осилиб туради.

У май — июнларда гуллаб, меваси июль — августларда пишади.

Қизилзирк Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё областларининг тоғли районларида тоғнинг ўрта қисмигача бўлган тошли ва майда тошли ёнбағирликларда тарқалган.

Қизилзиркни ҳар хил таомларга солиб ишлатмоқдалар. Унинг мевасидан турли-туман шарбат, мураббо, консервалар ишлаб чиқаришда ва конфет тайёрлашда фойдаланилса бўлади.

Қизилзиркнинг пўстлоқ ва илдизидан сариқ ранг олиш мумкин.

Қизилзирк мевасининг таркибида бўёқ, танид моддалари, вино ва лимон кислоталари, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, С витаминлари, бошқа органик моддалар ва минерал тузлар бўлади.

**Дов ожут (Мегакарпеа гигантеа).** Пояси тик, яхши тараққий этган, туксиз, юқори қисми серновдаланган, баландлиги 70—150 см га етадиган кўп йиллик крестгулдошларнинг вакилларидан биридир. Унинг барги кўк, туксиз, поясининг пастки қисмида жойлашган барглари чўзиқ, патсимон бўлинган, баъзан қирра бўлакли, қисқа бандли, юқоридагилари эса кичикроқ, патсимон бўлакли ёки бутун, пояни ярим ўраб олган, меваламайидиган тупларида узун бандли, тескари тухумсимон ёки деярли думалоқ ёки кўп бурчакли буйраксимон, бутун қирғоқли ёки панжасимон қирқилган бўлаклидир.



Дов ожутнинг косачабарглари кенг чўзиқроқ, жинглак тукчали, узунлиги 2,5 мм га тенг. Гулбарглари оқ, тескари чўзиқ ёки тескари тухумсимон, секинлик билан торайиб қисқа тирноқсимон бўлиб, катталиги 3,5 мм. Унинг чангчиси 6 та, мева банди пастга эгилган, йўғонроқ, туксиз, 1,5—2 см катталиқдадир.

У апрель — майларда гуллаб, меваси май — июлда пишади.

Дов ожут тоғ зонасининг ўрта қисмларигача бўлган майда шағал тошли жойларда ўсади.

Бу ўсимликнинг пояси, барги истеъмол қилинади. Унинг илдизидан эса ширин таомлар тайёрласа бўлади.

Дов ожут илдизи крахмал, қанд, оқсил, ёғ, азотли ва азотсиз моддаларга ва С витаминига бойдир.

**Ёввойи арпа (Хореум спонтанеум).** Бу ўсимлик баландлиги 30—100 см келадиган, бир йиллик бошоқдошларнинг вакилларида ҳисобланиб, пояси тик, силлиқ ва туксиз бўлади. Унинг барг нави туксиз ҳамда силлиқ, тилчаси 1 мм катталиқда, ёрилган бўлиб, барги ясси, ингичка, узунлиги 4,5—9 см, эни 6—9 мм, бир оз эгилувчан. Бошоқлари яшил, 3 тадан жойлашиб, ундаги тангачалар қалами бегизсимон, сертук, қилтиқли, қилтиғи билан биргалиқда 1,5—1,7 см га тенг. Унинг ён бошоқчалари қилтиқсиз, уч қисми буралиб кетган бўлади.

Ёввойи арпа май — июнь ойларида гуллайди ва уруғи етишади.

У чўл зонадан тортиб, то тоғ олди қисмигача бўлган текис, қуруқ жойларда, ёнбағирликларда учрайди.

Ёввойи арпанинг пишган донидан ун тайёрлаб, ундан турли таомлар пиширса бўлади. Шунингдек, бу ўсимлик ҳайвонлар учун ем-хашак ҳам ҳисобланади.

Ёввойи арпа донининг таркибида кўп миқдорда крахмал, қанд моддаси, клетчатка, протеин, оқсил, азотсиз экстракт моддалар ҳамда витаминлар мавжуддир.

**Чия (Церасус веррукоза).** Бу ўсимлик паст бўйли, шох-шаббали раъногулдошларнинг вакилларида ҳисобланиб, унинг бир йиллик новдаларининг пўстлоғи кул ранг сариқ, кўп йиллик новдалариники эса кул ранг қўнғир ранглидир. Баргининг устки ва остки томони туксиз, тескари тухумсимон, атрофи ўткир тишли бўлади.

Чиянинг косачабарглари ўткир, баъзан тўмтоқ, бутун четли, айрим пайтларда без тишчали, ичкари томони қалин тукчали бўлади. Унинг гултожибарги тирноқси-

мон торайган, узунлиги 6 мм, чангчилари 15—18 та, данагининг диаметри 8—9 мм, юмалоқ ёки тенг тухумсимон, туксиз, оч қизил ёки тўқ қизил ранглидир.

Чия ўсимлиги апрель — май ойларида гуллайди ва меваси июнь — июль ойларида етишади.

Бу ўсимлик Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг тоғли районларининг майда шағал тошли жойларида, тошли ён бағирликларда, йирик тошлар ва қоя тошлар орасида ҳамда дарахт ва буталар ўсадиган ерларда ўсади.

Чиянинг меваси ҳўллигича ва қуритилган ҳолда истеъмол қилинади. Ундан мураббо, компот тайёрлаш мумкин.

Чия мевасининг таркибида қанд, нордон моддалар ва ҳар хил кислоталар, турли витаминлар мавжуд.

**Чесночник**<sup>12</sup> (*Аллиариа оффициналис*). Крестгулдошларга оид, баландлиги 100 см келадиган икки йиллик ўт. Чесночникнинг пояси оддий, баъзан новдаланган, пастки қисми узун тиккайган тукчалар билан қопланган. Барги бутун, туксиз, учига қараб кичрайиб борувчи. Унинг илдиз олди ва поясининг пастки қисмида жойлашган барглари узун бандли, бўйраксимон, йирик тўмтоқ тишли, ўртадаги барглари қисқа бандли, юраксимон, ўткирлашган йирик аррасимон тишли бўлади. Шингиллари ғовак, остки томони сербарглидир. Гулбанди мевада йўғонлашган 3—15 мм, гултожибарглари косачабаргларидан 2 марта катта, узунлиги 6—8 мм га тенг. Қўзоқчалари қалами шаклда, юқорига қараб тиккайган, туксиз, узунлиги 2—8 см, қалинлиги 2—2,5 см га тенг. Уруғининг катталиги 2,5—3,5 мм, жигаррангсимон қўнғир ранглидир.

Чесночник апрель — май ойларида гуллаб, меваси май — июль ойларида пишади.

У тоғ зонасининг ўрта қисмигача бўлган жойлардаги дарахтларнинг тагида, ёнбағирликларда учрайди.

Бу ўсимликдан зиравор сифатида турли таомлар тайёрлашда саримсоқ ўрнида фойдаланиш мумкин. Майдаланган уруғи горчичник ўрнини боса олади.

Чесночникнинг танаси ва илдизида 0,033—0,093%, уруғида 0,5—0,96% эфир мойи, глюкозид, синигрин мод-

<sup>12</sup> Чесночник — ўзбекча номи бўлмаганлиги сабабли. русча номи билан атадик.

далари ҳамда турли витаминлар бор. Унинг уруғида 30% ёғ мавжуд.

**Тоғжамбул (Тимус зераваникус).** Лабгулдошларга оид, баландлиги 10—20 см га етадиган, ётиб ўсадиган ярим бута ўсимликдир. Барги тескари тухумсимон, тўмтоқ, асоси чўзиқ, деярли ўтроқ, киприкчалидир. Тоғжамбулнинг тўпгуллари новданинг уч қисмида жойлашиб, гуллари қисқа гулбандли, ёндош баргчалари қалами, қисқа тукчали бўлади. Унинг косачабаргининг узунлиги 4—5 мм, гултожибарги 5—7 мм катталикида, ним пушти рангли, ташқари томони бир оз туклидир.

Тоғжамбул июнь—августда гуллаб, июль—сентябрда уруғи пишади.

У республикамиз областларининг тоғли зоналаридаги тошли ва юмшоқ тупроқли ён бағирликларда кенг тарқалгандир.

Ота-боболаримиз жуда қадимдан бу ўсимликни ҳар хил овқатларга солганлар ва қази тайёрлашда ишлаганлар. Тоғжамбулдан саноатда сабзавотли, гўшти, балиқли, замбуруғли консервалар тайёрлашда, шунингдек колбасалар ишлаб чиқаришда фойдаланса бўлади. Уни вермут, ликер, ароқларга қўшиш ҳамда конфет, чой, сиркаларга ёқимли ҳид беришда ишлатиш мумкин.

Греклар тоғжамбулнинг барг ва тўпгулларида тумов, қорин оғриқ, уйқусизлик касалликларини даволашда фойдаланганлар. Медицинада ундан балғам ташлатувчи, бод касаллигини даволовчи, сийдик чиқарувчи ва иштаҳани очувчи дори-дармон сифатида фойдаланилади.

Тоғжамбулнинг таркибида ошлов, оқсил, бўёқ моддалари, камед, смола, ёғлар, органик кислоталар, минерал тузлар, С витамини ҳамда 0,26—0,35% эфир мойи бўлади. Ундаги эфир мойи хушбўй ҳидли жигар рангли бўлиб, асосини фенол, тимол, карвакрол ташкил этади.

**Зоғоза (Эфедра әкунзетина).** Зоғозадосларга кирувчи, баландлиги 1,5 м га етадиган бутадан иборат. Поя ва новдалари йўғон, пўстлоғи кул ранг бўлади. Зоғозанинг новдаси тиккайган, тўғри, силлиқ, билинар-билинемас ариқчали, бўғум оралиғи 2 см га тенг. Барглари қарама-қарши жойлашиб, тангачали бўлиб, чангдонли бошоқчаларининг узунлиги 4—5 мм, биттадан ёки 2—3 тадан деярли юмалоқ, 2—4 гуллидир. Уруғчи бошоқлари эса қисқа бандли, биттадан ёки 2—3 тадан гулли бў-

лади. Меваси этдор, шарсимон, қизил, 6—7 мм га тенг. Уруғи наштаарсимон, икки томони бўртиб чиққан, 4—6 мм узунликда бўлади.

Зоғоза июнда гуллаб, меваси июлда пишади.

У тоғ зонасининг тошли ёнбағирликларида, қоя тошларда ўсади.

Бу ўсимликдан халқимиз қичима, бод, шамоллаш, ошқозон яраларини даволашда фойдаланиб, мевасини эса ҳароратни туширишда қўллаганлар.

Зоғоза эфедрин алкалоидини оладиган манба ҳисобланади. Бу алкалоиддан илмий медицинада турли касалликларни даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар тайёрланади. Зоғоза ўз таркибида 14% танид, бўёқ моддаларини, С витаминини ва органик кислоталарни сақлайди.

**Бозулбанг (Лагохилус инебрианс).** Лабгулдошларга онд баландлиги 20—60 см келадиган кўп йиллик ўт. Пояси тик, новдаланган ёки новдалари йўқ, қаттиқ тукчалар билан қопланган. Улар тушиб кетгандан сўнг ўрнини оқ ялтироқ пўстлоқ эгаллайди.

Бозулбангнинг барги бандли, тухумсимон, юмалоқ ёки деярли елпиғичсимон, тўмтоқ, асоси понасимон бўлакли, барг чети бутун ёки бўлакчали, сертуклидир. Гуллари ўтроқ, юқориги барг қўлтиқларида 4—6 тадан жойлашган. Ёндош баргчалари мустаҳкам, уч қиррали бегизсимон, тиканли туклар билан қопланган, уч қисми туксиз.

Гултожи 20—28 мм узунликда, оқ ёки пушти рангли томирчалари жигар ранглидир. Ёнғоқчалари туксиз, 4—5 мм катталиқда.

Бозулбанг июнь — июлда гуллайди ва уруғи июль — сентябрда етишади.

Бу ўсимлик тоғ олди қисмидаги шағалли ёнбағирликларда, айниқса Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё областларида кўпроқ тарқалгандир.

Бозулбанг халқ табоботида ва илмий медицинада жуда қадрланади. Ундан тайёрланган шарбат қон босимини пасайтириш хусусиятига эгадир.

Бозулбанг таркибида лагохилин, 4—7% танид, флаволи глюкозид, органик кислоталар, каротин, 0,5% эфир мойи ва С витамини ҳамда темир, кальций тузлари мавжуд.

**Бешбарг (Потентилла репанс).** Раъногулдошларга оид бўлган, ўрмалаб ўсувчи кўп йиллик ўт. Унинг пояси ингичка, туксиз ёки сийрак қисқа тукчали бўғинларидан илдиз чиқади. Бешбаргнинг илдиз олди барглари узун бандли, ўткир, учбурчаксимон, бутун қирғоқли, панжасимон, 5—7 та баргчалари бўлади. Баргчалар қисқа бандли, тескари тухумсимон, асоси понасимон, атрофи арра тишсимон, ҳар томонида 2—7 тадан ўткир ёки тўмтоқ тишчалари мавжуд. Унинг поя барглари қисқа бандли, бир оз йирикроқ бўлади. Гуллари қўлтиқда биттадан ўрнашган, диаметри 20 мм. Гулбарглари сариқ, тескари тухумсимон, косачабаргларига тенг ёки ундан бир оз узунроқдир. Чангчиси 20 та, узун ипли ва чангдони чўзиқ. Мевачалари тухум шаклида, силлиқ ва туксиз.

Бешбарг май — август ойларида гуллайди ва уруғлайди.

У тоғ зонасининг ўрта минтақасигача бўлган зах жойларда, ариқ атрофларида, дарё соҳилларида, ўтлоқзор ерларда учрайди.

Халқ медицинасида бешбарг илдизидан тайёрланган қиём ич кетишни тўхтатувчи, оғиз бўшлиғида баъзан содир бўлган жароҳатларни даволайдиган восита ҳисобланади.

Бешбаргнинг таркибида 5,8—11,5% танид, 16% гача қанд, органик кислоталар, глюкозид ҳамда С витамини мавжуддир.

**Ихрож (Титималус зераваникус).** Йўғон илдизпояли, баландлиги 10—40 см, жингалак, юмшоқ, қисқа сертукчали кўп йиллик ўт бўлиб сутламадошларнинг кенг тарқалган вакилларида ҳисобланади. Ихрожни пояси кўп, тик, оддий ариқсимон, барглари эса бутун четли, навбатлашиб жойлашган, баъзан жуда яқинлашган бўлиб, худди ҳалқасимон ўрнашгандай кўринади. Бу ўсимлик поясининг энг пастдаги барглари тангачасимон, тушиб кетмайди. Юқориги барглари чўзиқ наштарсимон ёки эллипссимон, узунлиги 1,5—5,5 см, эни 0,5—1,7 см, асоси кенгайганроқ, думалоқ, қисқа бандли бўлади. Ёндошбаргчалари жуфт, тухумсимон, ўткирлашган, катталиги 1—2,5 см, эни 0,5—1 см га тенг.

Соябони новданинг учиди, оддий, 5 нурли, энг четдагиси яхши кўринмайди. Кўсакчалари тухумсимон, учига қараб сиқилган, сезилар-сезилмас ариқчали, сертук,

баъзан туксиз, узун бандчалидир. Уруғларининг катталиги 0,5—0,6 см, ялпайган тухумсимон, силлиқ оч қўнғир ранглидир.

Ихрож июль — август ойларида гуллайди ва уруғлайди.

У тоғ зонасининг юқори қисмидан то яйлов зонасигача бўлган тошли ёнбағирликларда ўсади. Баъзан йирик-йирик ихрожзорларни ҳосил қилади.

Маҳаллий аҳоли ихрож ўсимлигидан кучли сурғи сифатида, ошқозон-ичакдаги ва танадаги яраларни даволашда ҳамда иштаҳани очадиган дори-дармон ўрнида кенг фойдаланади.

Ихрожнинг таркибида танид ва қанд моддаси, смола, С витамини ҳамда органик кислоталар етарли миқдорда бўлади.

**Себарга (Трифолиум пратензе).** Дуккакдошларга оид, пояси ингичка, кўтарилиб ўсувчи, баландлиги 50 см келадиган, кўп тукчали, айниқса, бўғини сертукли ва сербаргли кўп йиллик ўтдир. Себарганинг ён бағирлари кенг наштарсимон, юқоридагилари ингичка нишдор, тукли томирчалари эса яшилсимондир. Унинг барги узун бандли (пастки баргларининг банди 20 см га етади), узунлиги 1,5—3,6 см, эни 0,9—2,8 см, тескари тухумсимон юқоридагилари айлана-ўйма, асосига қараб торайган, чети киприксимон тукли, бутун қирғоқли. Қаллаклари (тўпгул) думалоқ тухумсимон, эни 2—3,5 см, гулбандли, поя ва новдаларининг уч қисмида биттадан ўрнашган бўлади. Асосидаги иккита кенг тухумсимон ёнбаргчалари туташган бўлиб, юқориги икки барги яқинлашиб, тўпгул асосини ўраб олади.

Себарганинг гуллари ўтроқ, гултожи қизил пуштисимон, дуккаклари бир уруғли эллипссимон, узунлиги 2,5—3 мм. Уруғи сариқ ёки жигарранг, силлиқ, юмалоқ, бир оз ўйилганроқ, узунлиги 1,5—2 мм га тенг.

Себарга апрель — сентябрь ойларида гуллайди ва июнь — октябрь ойларида уруғи етишади.

У тоғ олди қисмларидаги ерларда, экин майдонларида, ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, зах жойларда кенг тарқалган ўсимликлардан ҳисобланади.

Себарга чорва моллари учун юқори сифатли ем-хашак ўсимликларидан биридир. Шунингдек, у дори-дармонлик хусусиятига ҳам эга.

Чехословакияда себарга тўпгуллари ёрдамида кўк-

рак оғриқ дардлари даволанади ҳамда хушбуй ванна қа бул қилишда қўлланилади.

Себарга таркибида флавоноли бўёқ, ошловчи моддалар, эфир мойи, кампферол, клетчатка, протеин, органик кислоталар, минерал тузлар ҳамда баргида 170—229 мг% С витамини бўлади.

**Янтоқ (Алхаги псеудалхаги).** Бу ўсимлик кўп йиллик, баландлиги 130 см келадиган, дуккакдошларнинг энг кўп тарқалган вакилларида биридир. Янтоқнинг поя ва новдалари силлиқ, туксиз, баъзан кам тукли бўлади. Новдалари янгичка, юқорига қараб ўткир бурчак ҳосил қилган ҳолда ўсувчи кўп барглидир. Унинг тикани қаттиқ, узунлиги 7—15 мм, йўғонлиги 0,5—1 мм га тенг. Барги чўзиқ ёки наштаксимон, устки ва остки томонининг баъзи жойида тукчалар бор. Янтоқ поясининг юқори қисмида жойлашган барглариининг қирғоғи юзаки тишли бўлиб, барглари эса уруғлаш пайтида тушиб кетади. Қизил, пушти гуллари 3—8 тадан поя новдада жойлашади. Гулбанди юмшоқ, тукчалар билан қопланган, узунлиги 2 мм. Косачанинг узунлиги 4 мм, туксиз ёки қисқа тукчали, ўткир тишли, баъзан тўмтоқ бўлади. Дуккаклари чўткасимон, туксиз 4—7 уруғли, эгилган ёки тўғридир, уруғи буйраксимон, кичик, силлиқдир.

Янтоқ май—сентябрь ойларида гуллайди ҳамда уруғи август—октябрда пишади.

Бу ўсимлик республикамизнинг чўл, адир ва тоғ зоналарининг ўрта минтақасигача бўлган жойларда бегона ўт тариқасида кўп учрайди.

Янтоқ туя ва чорва моллари учун озуқа ўсимликларидан ҳисобланади. Чорва моллари янтоқни куз ва қиш фаслида яхши ейди. Бу ўсимлик ҳар хил органик моддаларга, минерал тузларга ҳамда С витаминига жуда бойдир. Айрим маълумотларга қараганда, янтоқ танасининг таркибида 500 мг%, баргида эса 1000 мг% гача С витамини бўлар экан. Бу витамин ўсимлик қуритилганда ҳам тезлик билан бузилмай, узоқ муддатгача сақланиши мумкин.

**Тоғбурчоқ (Сисер зонгорикум).** Бу дуккакдошларга кирувчи, кўп йиллик баландлиги 75 см гача бўладиган ўтдир. Унинг пояси кўтарилиб ўсувчи ёки тик, эгри-бурги, асосидан новдаланган, тухумсимон безлар билан қоплангандир. Енбаргчалари, япроқсимон, узунлиги 5—12 мм, аррасимон тишли бўлади. Тоғбурчоқнинг барги

8—10 см узунликда тоқ баргчалар билан тугайди. Унинг баргчалари 5—10 жуфтли, иккала томони ҳам туксиз безлар билан қопланган ёки деярли безсиз, атрофи аррасимон тишли. асоси бутун қирғоқли бўлади. Баргчалари чўзиқ, юмалоқ, кўпинча тескари тухумсимон, баъзан понасимон, узунлиги 6—10 (20) мм га тенгдир. Гулдор қисми 1,5—4,5 см узунликда, гулли 3—12 мм узунликдаги тикансимон қилтиқ билан тугайди. Гулбанди 4—7(10) мм узунликда, асоси кичик тишли ёндош баргчалидир. Гуллари йирик, бинафша ҳаворанг, баъзан кўк ранглидир.

Тоғбурчоқнинг дуккаги бўртган, чўзиқ, катталиги 2,5—3 см, сертуксимон безли. Уруғи 3—7 мм узунликда тухумсимон, уч томони қайрилган, туксиз, тўқ жигаррангли, бир оз буришганроқ бўлади.

Тоғбурчоқ июнь — июлда гуллаб, июль — августда уруғи етишади.

У шимолий ва жанубий ёнбағирликларда, шағалли жойларда, буталар орасида учрайди, умуман, тоғбурчоқ денгиз сатҳидан 1500—3500 м баландликкача бўлган ерларда ўсади. Бу ўсимлик ҳайвонлар учун юқори сифатли озуқали ем-хашак ўсимликларидан бири ҳисобланади. У ҳар хил кимёвий моддаларга жуда бойдир. Айниқса, тоғбурчоқнинг уруғида оқсил моддаси ҳамда В, В<sub>1</sub> ва В<sub>2</sub> витаминлари кўп бўлади.

Биз инсоннинг кучига-куч, саломатлигига-саломатлик қўшишда кенг қўлланиладиган дори-дармонлик, озиқ-овқатлик хусусиятига эга бўлган ҳайвонларнинг яшаши учун ҳам жуда зарур, халқ хўжалигимизнинг баъзи тармоқлари учун хом ашё манбаларидан бири ҳисобланган, республикамиз флорасида ёввойи ҳолда кенг тарқалган, турли хил витаминларга бой ва витаминлик хусусиятига эга бўлган айрим ўсимлик турлари ҳақидаги баъзи бир маълумотларни келтирдик, холос.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳали ўрганилмаган ҳамда фойдаланишга жорий этилмаган витаминли ўсимлик турлари жуда кўпдир. Бизнинг навбатдаги асосий вазифаларимиздан бири, ана шу ўсимлик турларини аниқлаш ва уларни турмушга татбиқ этишдан иборатдир.